КУТУБХОНАСИ
тадқиқотлар институти

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 72 (9.569) 2001 йил 22 июнь, жума ◆ Сотувда эркин нархда

10
Шу азиз Ватан – барчамизники!

МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ

Замонавий санъат маркази

Пойтахтнинг қоқ марказида, Амир Темур ҳайкали яқинида, шаҳар ҳокимлиги ва Тошкент куранти ёнбошида диққатни жалб этувчи бино бор.

Ушбу бино 1934 йилда ўзбекистонлик меъморлар К.Бобиевский ва А.Петелин лойиҳаси асосида қурилган. Бинонинг умумий майдони бир ярим минг квадрат метрни ташкил этади. Унинг ўймакор эшикларини Усто ҳожи Ашур ва Усто Рауф Ёқуб каби тошкентлик таниқли усталар ясаган. Бинодан дастлаб ўзбекистонлик рассомларнинг кўргазмалар зали сифатида фойдаланилди. 40-50 йилларда эса бу ерда Ўзбекистон халқлари тарихи музейи экспозицияси ўрин олди. 1960 йилда республика ҳукумати қарорига мувофиқ, замонавий санъатни Ўзбекистонда ва бошқа жойларда кенг оммалаштириш мақсадида Бадиий кўргазмалар дирекцияси ташкил этилиб, мазкур бинога жойлаштирилди. Кейинги чорак аср мобайнида бўш турган ана шу қадимий бино энди қайта таъмирланиб, «Замонавий санъат маркази»га айлантирилмоқда. Шарқона ва замонавий меъморчилик уйғунлашувида тикланаётган ушбу бино юбилей объектлари рўйхатига киритилган бўлиб, у Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

— Истиқлол ўзбек миллий санъатига, жумладан, тасвирий ва амалий санъат намояндаларига ҳам ижодий эркинлик берди, — дейди Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев. — Бироқ ўн йил тарих учун бўлгани каби санъат учун ҳам катта муддат эмас. Аммо шу вақтда миллий санъатимизнинг ўзига хос юзи, саҳифаси шаклланиб улгурдики, бу ислоҳотлар даврида санъатимиз ҳам бошидан янги даврни кечираётганидан дарак беради. Москва шаҳрида ва Германияда ташкил этилган «Янги Ўзбекистон санъати» кўргазмалари бунга яққол мисол бўла олади.

Собиқ мафкура фақат академик мактаб йўналишида ижод қилишга мажбур этган бўлса, ёш рассомларимиз оламни янгича асарларда куйлашга имкон топди. Шу ўринда кўплаб мўйқалам усталарининг чанқоқлик билан сўфийлик тариқати, озод Ватан халқини куйлаш ёки миниатюра йўналиши асарларини ижод этиш, хаттотлик санъати, тарихимизни — буюк аждодларимиз сиймоларини яратишга киришганлигини айтиб ўтиш кифоя. Айрим рассомларимиз тасвири ўша пайтларда, умуман тақиқланган бир қатор қатағонга учраган ўзбек зиёлиларининг сиймоларини яратишга эришди. Айни пайтда, ёш ижодкорлар дунёда рўй бераётган жараёнлардан четда қола олмаслиги табиий. Шу боис улар турли замонавий йўналиш ва оқимларда ҳам ижод қилишмоқда. Уларнинг асарларини намойиш этиш учун эса ўзига хос махсус галереялар зарур.

Ўзбекистон Бадиий академияси тузилиб, собиқ кўргазмалар зали унинг тасарруфига ўтгандан кейин ана шундай шароит вужудга келди. Ҳукуматимиз қарорига биноан бу қадимий бинони таъмирлашга киришилди. Иншоот фойдаланишга топширилгач, рассомларимиз ўз ижодларини ҳар томонлама кенг намойиш этишлари учун катта имконият яратилади.

Республикамиз маданий ҳаётида бу йил яна бир янгилик содир бўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра мамлакатимизда биринчи бор Тошкент халқаро тасвирий санъат тадбирини ўтказиш кўзда тутилган. Республикамиз Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган ушбу тадбирда жаҳоннинг ўттиздан ортиқ санъати ривожланган давлатлардан рассомлар ўз асарлари билан иштирок этади. Яна бир қувончли жиҳати шундаки, ана шу халқаро анжуман арафасида «Замонавий санъат маркази» ҳам ўз эшикларини очади. Ва бу ерда мамлакатимиз рассомларининг юбилей кўргазмаси очилади.

Бахтиёр МАНСУРОВ

ҚИСҚА сатрларда

❒ **МАКТАБ** ўқувчиларининг ёзги таътили муносабати билан Юнусободдаги КРИДИ — ногирон болалар соғлиғини қайта тиклаш ва бирлаштириш жамиятининг 60 нафар аъзоси Тошкент денгизи бўйига саёҳатга чиқишди ва болажонлар у ерда кўнгилли ҳордиқ чиқаришди.

❒ **«ТУРКИСТОН»** концерт саройида «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси тизимидаги профессионал бадиий жамоалар ва яккахон хонандаларнинг «Ўзбекистон — Ватаним маним» шиори остида ўтказилаётган қўшиқ байрами республика танлови бўлиб ўтди.

❒ **МИРЗО** Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ўзбек миллий санъати ривожига катта ҳисса қўшган санъаткор Саодат Қобулова ижодига бағишланган «Эъзоз» деб номланган кеча бўлиб ўтди.

❒ **СОБИР** Раҳимов туманидаги 249-мактабда мазкур илм даргоҳини 20 йил аввал битириб кетган синфдошларнинг устозлари иштирокидаги учрашув ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

«Жисмоний шахсларнинг нақд хорижий валютани олиб келиши ва олиб чиқиб кетишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 20 мартдаги ПФ-1979-сон Фармонига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Божхона режимини янада эркинлаштириш мақсадида:

1. 2001 йилнинг 1 июлидан бошлаб жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентларидан улар олиб келган нақд хорижий валютанинг 10000 АҚШ долларидан зиёд қисмидан бир фоиз миқдорида бож тўлови олиниши бекор қилинсин.

2. «Жисмоний шахсларнинг нақд хорижий валютани олиб келиши ва олиб чиқиб кетишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 20 мартдаги ПФ-1979-сон Фармони 2-бандида:

биринчи хатбошидаги «10 минг АҚШ долларига тенг миқдорда» деган сўзлар олиб ташлансин;

иккинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2001 йил 19 июнь.

«Тошкент трактор заводи» Давлат ҳиссадорлик жамиятида ўз касбига ихлос қўйган қўли гул ишчилар меҳнат қилади. Ушбу суратда тасвирланган Асқар Бисенов ҳам шундай илғорлардан биридир.
Сергей Любчич олган сурат.

Ақидапарастликка қарши кураш — давр талаби

Тошкент шаҳар ҳокимлигида республика Маънавият ва маърифат кенгаши билан ҳамкорликда «Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маърифий асослари» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З. Ҳусниддинов «Диний мутаассиблик — исломга таҳдид» мавзуида маъруза қилди.

Анжуманда бугунги кунда ер юзининг деярли барча нуқталарида террор, экстремизм, диний ақидапарастлик каби иллатлар асосий таҳдидга айланиб бораётгани қайд этилди. Юртимизда кечаётган тинчлик ва осойишталик, эришилаётган ютуқларни кўролмаётган ана шундай ғаразгўй кучларнинг келиб чиқиш асослари ҳамда уларга қарши кураш масалаларига эътибор қаратилди. Таъкидландики, миллий истиқлол ғояси айни ана шу курашнинг маърифий асосига айланиб, халқимиз, айниқса, ёш авлод онгида миллий мафкуранинг чуқур қарор топишига эришилсагина ҳеч қандай ёвуз куч юртимизга суқилиб кира олмайди. Шу боис одамларнинг турли экстремистик оқимлар, мутаассиб кучлар таъсирига билиб-билмай тушиб қолмаслиги учун меҳнат жамоалари, ўқув юртлари ва маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ишлари мунтасил олиб борилмоғи керак.

(ЎзА)

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ғалла етиштириш бўйича зиммага олган йиллик мажбуриятларини мамлакатимизда биринчилардан бўлиб шараф билан адо этган Хоразм вилояти ғаллакорларига табрик йўллади.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга **кеча** Польша Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Зенон Кухчак; Жазоир Халқ Демократик Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ласкри Ҳасан; Литва Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Халина Кобецкайте; Шри-Ланканинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Нагурпитчай Искандар Ишонч Ёрлиқларини топширишди.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Республика қоғоз саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.
- Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг навбатдаги йиғилишида «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг Андижон вилояти, Тошкент шаҳрида ижроси ва қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш марказининг ушбу масала юзасидан фаолияти кўриб чиқилди.
- Маърифий ва мафкуравий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни амалга ошириш ва топономик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи Республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.
- Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европарламент аъзоларидан бир гуруҳи Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.
- Тошкентда Миср Араб Республикаси режалаштириш ва халқаро ҳамкорлик вазири Аҳмад ад-Дарш бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи доирасида Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий масалалар бўйича Ўзбекистон-Миср ҳукуматлараро комиссиясининг учинчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис якунида савдо-сотиқ ва божхона соҳаларида ҳамкорликка оид ҳужжатлар қабул қилинди.
- Нукусда Қорақалпоғистон қоракўлчиларининг анъанавий қурултойи бўлиб ўтди.

Жаҳонда

- **Бугун** Минскда МДҲ Иқтисодий кенгашининг саккизинчи мажлиси бўлиб ўтади. Унда божхона назорати, МДҲ мамлакатларининг давлатлараро инновация сиёсати концепцияси ва бошқа бир қатор масалаларни кўриб чиқиш кўзда тутилган.
- **Бугун** Москвада Грузиядан Россиянинг ҳарбий базаларини олиб чиқиш масаласи юзасидан Грузия-Россия музокаралари бўлиб ўтади.
- **Бугун** Австрия Президенти Т. Клестиль Москвага келади. Унинг Россия Федерацияси Президенти В. Путин, Бош вазир М. Касьянов билан режалаштирган музокаралари чоғида минтақавий хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорлик хусусидаги бир қатор масалалар муҳокама қилинади.
- Литва Бош вазири Р. Паксас истеъфога чиқди.
- Покистоннинг ҳарбий раҳбари генерал Парвез Мушарраф мамлакат Президенти Р. Таррарни истеъфога чиқарди ва ўзини давлат бошлиғи деб эълон қилди. У, шунингдек, парламентнинг қуйи палатасини тарқатиб юборганлигини эълон қилди ва бундан буён ҳам ўз зиммасида ҳокимиятнинг ижрочи бошлиғи лавозимини сақлаб қолишини айтди.
- Приморье ўлкасида бўлиб ўтган губернаторлик сайловлари ниҳоясига етди. Якуний хулосаларга кўра, Сергей Даркин 43,31 фоиз овоз тўплаб, рақиблари устидан ғалаба қозонди.
- Страсбургда ўлим жазосига қарши жаҳон конгресси бўлиб ўтмоқда. **Эртага** ана шу ернинг ўзида очиладиган Европа Иттифоқи парламент ассамблеясининг ёзги сессиясида ҳам шу масалани муҳокама қилиш кўзда тутилган.
- **Кеча** Москвада Халқаро 23-Москва кинофестивали очилди.
- Яман давлатида 9 киши халқаро террорчи Усама бин Ладенга алоқадорликда ва Америка ҳарбий кемасини портлатишда гумон этилиб, ҳибсга олинди.

Янгиликлар, воқеалар, хушхабарлар

Шаҳримизда муваффақиятли фаолият кўрсатаётган «Дойче-Кабель» қўшма корхонаси маҳсулотларига талаб катта бўлмоқда. Бунда корхона илғорларининг ҳиссаси салмоқлидир.

СУРАТДА: корхона ишчиси Шоакбар Тошмуҳамедов.

Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Тижорат банклари ҳамкор бўлганда

Ҳукуматимиз ва Марказий банкнинг 2001 йилга мўлжалланган пул-кредит сиёсатининг асосий вазифаларидан бири халқ хўжалигидаги мавжуд бўлган бўш молиявий маблағларни иқтисодиётнинг реал секторларига тижорат банклари орқали йўналтириш ва шу асосда хўжалик субъектлари билан банклар ҳамкорлигини ташкил этиш ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтилган вазифаларни амалда тўлиқ тадбиқ этиш мақсадида ҳар бир тижорат банки ўзи мустақил ишлаб чиққан ва Банк кенгашида тасдиқланган кредит сиёсати асосида иш олиб бормоқда. Тижорат банкларининг кредит сиёсатида кредит қўйилмалари ўсишини рағбатлантириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва жойлаштириш, кичик ва ўрта бизнесга, деҳқон ва фермер хўжаликларига кредит ажратилишини соддалаштириш ва хўжалик субъектларининг аризаларига асосан қисқа муддатда ижобий хулосаларни қабул қилиш белгиланган.

Молиявий қўллаб-қувватлашнинг бундай соддалашган механизми кичик ва ўрта бизнес, шунингдек деҳқон-фермер хўжаликларига ўз фаолиятларини кенгайтиришлари учун банклардаги кредит ресурсларидан, жумладан имтиёзли кредитлардан эркин фойдаланиш имкониятини бермоқда. Тижорат банклари ўз мижозларини кредит ресурслари билан таъминлаш мақсадида чиқарилган акция, облигация, жамғарма ва депозит сертификатларини юридик ва жисмоний шахсларга сотиш ва аҳоли бўш пул маблағларини омонатга жалб қилиш ва маблағ жалб қилиш орқали таъминламоқдалар. Амалга оширилаётган тадбирлар натижаси ва йўлга қўйилган тарғибот ва ташвиқот ишлари ўз самарасини бериб, ҳозирги кунда тижорат банкларида кредит ресурслари танқислиги келиб чиқишининг олдини олмоқда.

Мавжуд иқтисодий таҳлил, ўз мавқеига эга банкир — иқтисодчилар фикрлари бозор иқтисодиёти шароитида ривожланаётган ҳар бир давлатнинг юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришишида кичик ва ўрта бизнес орқали амалга оширилаётганлигини исботлаб бермоқдалар.

Жумладан, Тошкент вилояти тижорат банклари 2001 йилнинг январь-февраль ойларида ўз маблағлари ҳисобидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига 1191,5 миллион сўм миқдорида кредит берган. Ҳозирда микрофирма, кичик корхона ва деҳқон-фермер хўжаликлари бўлмиш кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган кредит қолдиғи 2001 йилнинг 1 март ҳолати бўйича 4601,3 миллион сўмни ташкил этмоқда. Ушбу тадбирларни тўлиқ амалга оширишда «Миллий банк», «Асака банк» бўлимлари ишни тўғри ташкил этиб, ажратилган кредит миқдорининг 47 фоиздан зиёдини ўз мижозларига амалдаги тартибда ажратган. Эндигина иш бошлаётган тадбиркорларга молиявий ёрдам кўрсатиш, хусусан кичик кредитлар ажратиш масаласи ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги қарорини бажариш мақсадида ташкил этилган жамғармалар ҳисобидан 2001 йилнинг январь-февраль ойларида вилоят тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан 103,3 миллион сўмдан зиёд микрокредитлар ажратдилар.

Ажратилган миқдорнинг 46,6 миллион сўми деҳқон-фермер хўжаликларига берилган бўлса, 56,7 миллион сўми хусусий тадбиркорларга берилган. Ажратилган кредит миқдорининг 69,9 фоизи қорамол сотиб олишга, 26,8 фоизи ишлаб чиқаришга ва 3,3 фоизи иссиқхона қуришга ажратилган. Ушбу даврда қўшимча равишда нобюджет фондлари ҳисобидан 84,2 миллион сўм микрокредит ажратилган бўлиб, берилган кредитнинг 49,3 миллион сўми деҳқон-ферма хўжаликларига, қолган 34,9 миллион сўм эса хусусий тадбиркорларга ажратилган.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредит асосан чорвачиликни ривожлантириш ва кичик ишлаб чиқаришни жадаллаштириш учун йўналтирилмоқда. Амалга оширилаётган тадбирлар тижорат банкларида кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга ва уни янада ривожлантиришга кенг йўл очиб бераётганлигини кафолатлайди.

А. ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

ТАЪЛИМ

Муҳим ишланма

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети олимлари ташқи иқтисодий фаолият ва божхона иши бўйича ҳам самарали изланишлар олиб бормоқда. Олий ўқув юртининг «Ташқи иқтисодий фаолият ҳамда божхона ишини давлат томонидан бошқариш» кафедраси бу борада қатор йирик илмий натижаларни қўлга киритди.

«Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ҳамда унинг механизмини бошқариш истиқболлари» тўгараги ҳам кафедра томонидан тузилди. Бу ерда қатор янги илмий маърузалар ҳам тайёрланди.

Ўзбекистонда товарларнинг божхона баҳосини меъёрий-ҳуқуқий негизда белгилашга оид илмий ишланма ҳам юзага келди. Бу изланиш қўлланма сифатида ўқув жараёнига тадбиқ этилиб, талабалар билим ва тушунчаларини бойитишга хизмат қилади.

Аҳад АЗИЗОВ

Амалиётга пухта замин

Янги турдаги ўқув юртларида замонавий техникаларни бошқариш бўйича амалий машғулотларга ҳам кенг ўрин берилмоқда. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти олимлари тавсия этган толаларни ишлаш технологиясига доир курс сабоқлари ихтисослашган касб-ҳунар коллежлари ўқув дастуридан ўрин олди.

«Тўқимачилик саноати машиналарининг ишчанлик қобилиятини ошириш» деб номланган курс машғулотлари ҳам малакали ёш мутахассислар тайёрлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу ҳақда тайёрланган илмий маъруза олий ўқув юртида ташкил этилган республика илмий-амалий конференциясида яхши баҳо олди.

Акбар АЛИЕВ

МАТБАА

«Мактаб кутубхонаси» нашрлари

Мактаб кутубхоналари фондини янада бойитиш йўлида кўрилаётган тадбирлар ўз самараларини бермоқда.

Ғафур Ғулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти томонидан «Мактаб кутубхонаси» рукнида янги китобларни чиқаришга киришилганлиги ҳам нур устига аъло нур бўлди.

Атоқли шоирлардан Ғафур Ғулом, Зулфия, Абдулла Орипов ва бошқаларнинг тўпламлари ҳам кўп нусхада босиб чиқарилди. Лотин алифбосида чоп этилаётган бу каби нашрлар «Мактаб кутубхоналари»га бирин-кетин тақдим этилмоқда. Янги 2001-2002 ўқув йилида нашриёт яна бир қанча бадиий асарни китоб ҳолида мактабларга етказиб беради.

Анвар ВАЛИЕВ

Сўранг, жавоб берамиз



Яқинда газеталардан бирида ижтимоий таътил иборасига кўзим тушди. Айтингчи, ижтимоий таътиллар деганда қандай таътиллар тушунилади?

Ш. Холиқов

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 149-моддасига биноан, ходимлар қуйидаги турлардаги ижтимоий таътиллар олиш ҳуқуқларидан фойдаланадилар:

— ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари;
— болаларни парваришлаш таътиллари;
— ўқиш билан боғлиқ таътиллар;
— ижодий таътиллар.

* * *

Ходимга етказилган зарарни ундиришга доир ишларни кўриш қандай тартибда амалга оширилади?

А. Шокиров

Зарарни ундириш ҳақидаги аризани иш берувчига жабрланувчи ходим, у вафот этган тақдирда эса — зарар тўловини олишга ҳақли бўлган манфаатдор шахслар беради.

Иш берувчи аризани кўриб чиқиши ва ариза тушган кундан эътиборан 10 кунлик муддат ичида тегишли қарор қабул қилиши шарт.

Иш берувчининг ходимга зарарни тўлаш ҳақидаги буйруғининг нусхаси ёки рад этиш ҳақидаги далил асосли ёзма жавоби, у қабул қилинган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида ходим ёки манфаатдор шахсларга топширилади.

* * *

Иш вақтидан ташқари иш ҳақида маълумот берсангиз.

М. Муҳамедов

Ходим учун белгиланган кундалик иш муддатидан ташқари ишлаш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади. Иш вақтидан ташқари ишлар ходимнинг розилиги билан қўлланиши мумкин.

Иш сменасининг муддати 12 соатдан иборат бўлганда, шунингдек меҳнат шароити ўта оғир ва ўта зарарли ишларда иш вақтидан ташқари ишларга йўл қўйилмайди.

* * *

Мен яқинда ўзимнинг акам бошчилик қиладиган бўлимга ишга кирмоқчи бўлдим. Аммо ташкилот раҳбари томонидан рухсат бўлмади. Қонунда қариндош-уруғларнинг бирга хизмат қилишлари чекланганми?

А. Ҳошимов

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 79-моддасига мувофиқ ўзаро яқин қариндош ёки қуда-анда бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотин, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари) башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари тақиқланади.

* * *

Қуруқ йўталдан жуда қийналяпман. Иложи бўлса ушбу хасталикка халқ табобати йўналиши бўйича даво усулларидан тавсия қилсангиз.

М. Наимов

Халқ табобати йўли билан йўтални даволашнинг энг самарали усулларидан бири қуйидагича. Кечқурун катта пиёзни майда тўғраб, унга икки ош қошиқда шакар сепинг. Эртасига кун давомида ширин тусга кирган пиёзни истеъмол қилинг ёки пайдо бўлган пиёз шарбатини ичинг. Бир неча кун давомида ана шундай шифо усулини қўлласангиз йўталдан қутуласиз.

Жавоблар ҳуқуқшунос Ғайрат АБДУҚОДИРОВ ва таҳририят ходимлари томонидан тайёрланди.

* * *

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 133-99-42 телефонига қўнғироқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА

Душанба 25

1 TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».

*

8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Хонобод».
9.00, 12.30 ТВ метео.
9.05 «Онажон - номинг дилимда». Мусиқий дастур.
9.40 «Санъат олами».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

10.05 «Табиат алифбоси».
10.25 «Таня ва икки мушкетёр». Бадиий фильм.
11.35 Т. Жалилов номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
12.05 «Шоҳрух» клуби.
12.35 «Ғозу турналар». Мультфильм.
12.55 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.15 «Қишлоқ ҳаёти».
13.30 Лирик тароналар.
14.10 ТВ-1 намойиш этади.
14.25 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
14.50, 16.55 ТВ-клип.
15.00 Кундузги сеанс: «Ишбилармон кишилар». Бадиий фильм.
16.20 ТВ - анонс.
16.25 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
17.05 Экранда - телесериал. «Қалбим чечаги». 12-қисм.
18.10 «Ўзбекистон фуқароси».
18.25 «Ҳамоҳанг наволар».
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40, 22.45 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалбингиз қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
21.45 «Толеи ёруғ одамлар».
21.55 «Маънавият» дастури.
22.50 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 5-қисм.
23.15 «Ахборот».
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

Yoshlar Telekanali

14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 «Давр» ҳафта ичида».
15.40 Ёзги таътил экрани. «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
16.10 «Давр»-news.
16.30 «Заковат» интеллектуал ўйини.
17.30 Спорт ҳафтаномаси.
17.45 Кўрсатувлар дастури.
17.50 «Янги авлод» почтаси.
18.10 «Мульттомоша».
18.25 «Камолот». Ҳаваскорлар телетанлови.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Ёшлар овози».
19.55 «Ёшлик наволари».
20.10 «Қишлоқдаги тенгдошим».
20.30, 21.20, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Ясон ва аргонавтлар». Бадиий фильм. 1-қисм.
21.25 Ватан ҳақида қўшиқ.
21.35 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига** «Озод юрт фарзандлари».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.15-1.20 Хайрли тун!

ТТК

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.10 «Мусиқий меҳмонхона».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Эҳтиром ила».
19.10, 20.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.20 «t' 36,6». Мусиқий-дам олиш дастури.
20.15 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
21.30, 22.15 «Ўзбегим навоси».
22.00 «Авто-news».
22.45 ТТВда сериал: «Селеста».
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.45-23.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

РЖТ 6.30.-8.00.

*

15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.20 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Мультчархпалак».
17.30 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.40 «Клип-антракт».

*

17.45 «Мени кутгил».
18.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».

*

20.50 «Бизнес-ревю».
20.55 «Бебилиска пул». Сериал.
21.45 «ТВ-4 да Немис тўлкини».
22.05 «Клип-антракт».
22.15 Кинематограф. «Какку уяси узра парвоз». Бадиий фильм.
00.30 «Ахборот» (рус тилида)
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

Соат 17.55 га қадар профилактика.

17.55 Дастурнинг очилиши.
18.00 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
18.25 «30-канал» кинооқшоми. «Беҳаловат гувоҳ». Криминал. Бош ролларда У. Херт, Д. Тилки, Луи Де Фюнес.
20.05 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
20.10 «Телеҳамкор». Фойдали газета. Метеохабар.
20.40 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Детектив Нэш Бриджес». Детектив.
23.15 «30-канал» юмор кечаси. «Яширин камера билан». Ҳажвий сериал.

1

5.00 «Хайрли тонг!» телеканали.
8.00, 11.00, 14.00 Янгиликлар.
8.15, 15.55 «Хаёлий қасрлар» сериали.
9.15 Мўъжизалар майдони.
10.20 М. Евдокимовнинг «Кушдай енгил бўлинг!» дастурида меҳмонда.
10.50 «Библиомания».
11.15 «Хайрли кун» телеканали.
11.50 П. Кадочников «Разведкачининг жасорати» фильмида.
13.30 Ҳужжатли детектив. «Ўлик петля» йўлда». 1996 йил иши.
14.20 Юлдузли онлар.
14.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
15.20 «Покемон» мультсериали.
15.45 «Аралаш-қуралаш» журналида қувноқ воқеалар.
17.00 Кечки янгиликлар.
17.25 «Ёлғизлик фарзандлари». Махсус репортаж.
17.45 Мени кутгил.
18.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» телеўйини.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.50 «Махфий материаллар» сериали.
22.35 Ж. Белуши «Тўла хавфсизлик» комик сериалида.
23.25 Москва кинофестивали кундалиги.
23.35 Тунги янгиликлар.
23.50 Е. Кондулайнен, И. Калниньш «Ёлғиз эркак учун шоу» мелодрамасида.

РТР

5.00, 6.00, 7.00, 8.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Вести».
5.15 «Садоқатли муҳаббат» телесериали.
5.50, 6.50 «Кўрга ҳассадек».
6.15 «Оилавий янгиликлар».
6.25 «Теледўмбоқчалар». Болалар учун дастур.
7.30 «Москва - Минск».
7.45 «Православ тақвими».
7.50 «Навбатчи қисм».
8.15 В. Мишенко, И. Шавлак ва И. Ливанов «Чапанилар» жангари фильмида.
10.30 «Санта-Барбара» телесериали.
11.25 «Селеста» телесериали.
12.30 Янги «Эски хонадон».
13.30 «Аёл кўнгли нимани истайди». К. Новикова ва Е. Яковлева билан ток-шоу.
14.00 «Бебилиска пуллар» сериали.
15.00 «Луиза Фернанда» телесериали.
16.30 «Оддий ҳақиқатлар» телесериали.
17.00 «Учрашув», «Манка» қисқа метражли фильмлари.
18.00 «Эркаклар ва аёллар», «Ипак қурти» қисқа метражли фильмлари.
19.30, 22.30 «Вести» - Москва.
19.50 Кечки сеанс. М. Волонтир, К. Лучко, Н. Русланова ва М. Булгакова «Лўли» телесериалида.
21.45 М. Жванецкий. «Оддий буюмлар».
22.40 Тафсилотлар.
22.50 Футбол. Россия чемпионати. «Спартак» (Москва) - «Локомотив» (Москва). 2-тайм.
23.45 Охирги сеанс. Э. Макдауэлл ва Э. Гарсия «Чайқовчи» фильмида.
1.55 Спорт ҳафталиги.

ТВ6 Москва

7.00, 8.05, 14.25 «Кундан кунга».
7.45, 19.45, 1.35 Йўл назорати.
8.00, 10.00 «Янгиликлар» А. Воробьёв билан.
10.20 «Якунлар» Е. Киселёв билан.
11.50 «Чироқлари синган кўчалар-3» сериали.
13.00 «Мазаси оғзингизда қолади» кўрсатуви.
13.30 Ҳафта ҳалокатлари.
16.00 «Бугун» В. Крискевич билан.
16.30 «Аёллар оламида» сериали.
17.40 Диск-канал И. Легостаев билан.
18.25 Ҳажвий сериал. «Куёшдан учинчи сайёра».
19.00 «Сиз - шоҳидсиз» И. Усачёв билан.
20.00 «Бугун» М. Максимовская билан.
20.45 Премьера. «Тезкор чақирув» сериали.
22.00 «Бугун» М. Осокин билан.
22.40 Чироқни ўчиринг.
22.50 «Пси-фактор IV» сериали.
24.00 «Бугун» В. Кара-Мурза билан.
0.30 Душанба кун театри.
1.50 Теннис. Уимблдон турнири.

НТВ

6.00, 7.00 «Бугун эрталаб».
6.15, 7.40, 20.45 «Криминал».
6.30, 13.30 «Узатма вал».
6.40 «Нафи тегади».
7.20 Спорт.
7.30, 13.40 «Мўмай пуллар».
7.50 Кино олами. «Карнозавр» бадиий фильми.
9.00, 11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 20.00, 23.00 «Бугун».
9.25 Кино олами. «Карнозавр-2» бадиий фильми.
11.30 Сериал. М. Кононов, А. Збруев, Е. Леонов ва С. Крючкова «Катта танаффус» комедиясида. 1-қисм.
13.55 Сериал. «Ҳалокатли жанг» супер жангари фильми.
15.30 «Эски телевизор».
16.40 «Қўғирчоқлар».
17.35 Сериал. Ч. Норрис «Чапани Уокер: техасча одил судлов».
18.40 Сериал соати. М. Клубович, О. Табаков, О. Басилашвили, А. Булдаков ва А. Пашутин «Марҳум нима деди» комик детективида.
20.30 Шу куннинг қаҳрамони.
21.05 «Криминал Россия». «Тутқич бермас бузғунчи». 1-қисм.
21.45 «Устаси фаранглар» сериали.
23.40 Сериал. У. Форсайт ва Т. Амандес «Дахлсизлар» ўткир сюжетли сериалида.

Прометей АСТ

7.00 «Ака-ука Люлар» мультфильм.
7.30, 22.35 «Жониворлар ҳаётидан».
7.45, 16.35 «Сеҳргар. Улкан аждар мамлакати» сериали.
8.15, 17.05 «Диванда дўкон».
8.30, 13.05 Мультсериал. «Суперкитоб».
8.55 «Одамлар ва тоғлар» сериали.
9.20 «Войжоним ва Бармалей» мультфильми.
9.35 «Орқадан эсган шамол» телесериали.
10.30, 11.30, 12.30, 14.30, 15.30, 16.30, 17.30, 18.30, 20.30, 21.30, 22.30, 23.30, 0.30, 2.30, 3.30, 4.30, 5.30, 6.30 «Кун воқеалари».
10.35, 6.35 «Мўъжизавий дарслар».
11.00, 22.50 «Бутпараст Мадонна» бадиий фильм.
12.35 «Овқат шинавандалари учун йўлнома». Илмий-оммабоп сериал.
13.30, 19.30, 1.30 «Факт».
13.45, 5.00 АСТ-журнал.
14.15 Интершоп.
14.35, 2.00 «Садоқатли муҳаббат» телесериали.
15.35, 21.35 «Ҳамма ўлимларга қасддан...» ҳужжатли фильми.
16.10 «Оқ йўл!»
17.20 «Махфий режа» мультфильми.
17.35 «Фойдали битим» бадиий фильми. 1-қисм.
19.00 Алло, Россия!
19.45, 1.45 Постфактум.
20.00 «Елкангда бошинг бор».
20.35, 5.35 «Замин чеккасида» телесериали.
0.35, 4.35 «Одам ва денгиз» сериали.
1.00 «Катта театр намойиш этади...»
3.00 «Наобум» ток-шоуси.
3.35 «Йиркич» телесериали.

ТВЦ

7.00 «Кайфият».
10.00 «Чақиримлар». Россияга саёҳта.
10.40, 20.50 Кўрсатувлар дастури.
10.45 Теледўкон.
11.05 «Софиянинг уч ҳаёти» телесериали.
12.00, 19.00, 20.55, 1.05 «Вокеалар».
12.15 «Дата» телеканали.
Соат 13.00 дан 19.00 гача профилактика.
19.15 «Каркур уяси узра парвоз» дастури.
20.00 «Эҳтирослар асирлигида» телесериали.
21.40 Ишбилармон Россия.
21.50 Алоҳида папка.
22.15 Об-ҳаво.
22.20 «Бизнинг уй» бадиий фильми.
0.20 Времечко.
0.50 Петровка, 38.
1.25 Тунги парвоз.
2.00 Учинчи бутун жаҳон театрлари олимпиадаси кундалиги.
2.10 Интернет-қаҳвахона.

REN TV

8.00, 18.00 «Шайтонча» мультсериали.
8.30, 18.30 «Дала сичқонининг саргузаштлари» мультсериали.
9.00 «Монитор». Интернет янгиликлари.
9.30, 15.45 Телеспецназ.
9.45, 21.00 Тасодифий гувоҳ.
10.30, 15.30, 19.30, 2.15 Янгиликлар.
10.45 «Менинг омадли юлдузларим» комик жангари фильми.
12.35 Теледўкон.
13.05 «Доктор ўқийди» комедияси.
15.00 Метро.
16.00 «Пляж (Малибу қутқарувчилари)» телесериали.
17.00 «Махфий ҳужжатлар» телесериали.
19.00 «Дракоша ва компания» телесериали.
19.45 «Учинчиси ортиқча» ток-шоуси.
20.00 «Раузан» теленовелласи.
21.30 «Шарҳ» ахборот канали.
22.00 «Симпсонлар» мультсериали.
23.00 «Турецкий марш» телесериали.
0.10 «Ҳалокат» триллери.
2.30 Футбол курьери.

ТНТ

3.00, 11.30 «Қора қароқчи» мультсериали.
3.30, 12.00 «Синчков аќллар» сериали.
4.00, 12.30 «Хоҳиш ҳукмронлиги» сериали.
5.00 «Сеньора» сериали.
5.30 Хит-парад.
5.50, 9.30 Теледўкон.
6.00, 14.30 Хотин-қизлар ҳаётидан.
6.30, 16.30, 19.30 «Сегоднячко».
7.25 Диванда дўкон.
7.35 «Парадокс» фантастик фильми.
10.30 «Қалблар қироличаси» сериали.
13.30 «Охирги чегарада» ҳужжатли сериали.
14.00, 19.45 «Соловьёвчасига эҳтирослар» ток-шоуси.
15.00 «Ўйлаб чиқилмаган тарихлар» сериали.
15.30 «Жаноб қотиллик» сериали.
17.00 «Шаддодлар ва гўзаллар» сериали.
17.25, 21.00 «Улкан янгиликлар». П.Глобанинг мунажжимлик башорати.
17.30 «Саншайн-менорда қотиллик» детективи.
20.20 «Отажоним — майор» сериали.

Сешанба 26

1 TV

Бутунжаҳон гиёвандликка қарши кураш кунига бағишланган узлуксиз телекўрсатувлар дастури.

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

*

8.35 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Зулмат салтанати».
9.20 «Рақслар гулдастаси».
9.40 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

10.05 «Бешбармоқ». Тележурнал.
10.30 «Олти жаҳонгашта». Бадиий фильм.
11.40 «Йўл бошида».
12.05 «Алпомиш». Мультфильм.
12.25 ТВ-метео.
12.30 «Қувноқ шаҳарча». Телевизион ўйин.
13.00 «Ёшлик - гўзаллик». Мусиқий дастур.
13.35 «Яккама-якка жанг». Спорт дастури.
13.55 ТВ-клип.
14.10 «Тақдиринг қўлингда». Бадиий фильм.
15.25 «Кодекс».
15.40 «Маънавият» дастури.
16.30 «Меҳр нури ёғар доим». Мусиқий дастур.
16.50 «Сўнгги пушаймон».
17.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
18.30 «Таълим тараққиёти». Республика ўқитувчиларининг 1-анжумани олдидан.
18.50 «Наво таралсин».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбекистон -Ватаним маним». Мусиқий дастур.
21.40 «Гиёвандлик - аср вабоси».
22.00 «Янги ой чиққан кеча». Телевизион театр премьераси.
23.30 «Ахборот».
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

Yoshlar Telekanali

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.35 «Мульттомоша».
9.50, 11.40 Мусиқий лаҳзалар.
10.00 Бутунжаҳон гиёвандликка қарши кураш кунига. «Саломат бўлинг». 1-кўрсатув.
10.20 Автосалтанат.
10.35 «Даллас». Телесериал.
11.20 «Саломат бўлинг». 2-кўрсатув.
11.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
13.25 «Ҳеч кимга бермаймиз, Ўзбекистонни!»
15.45 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
16.15 «Ясон ва аргонавтлар». Бадиий фильм 1-қисм.
17.00 «Ёшлар овози».
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: «Ассалом, оромгоҳ».
17.45 «Мульттомоша».
18.00 Бутунжаҳон гиёвандликка қарши кураш кунига. «Гиёвандликка қарши театр» (Рус тилида)
18.20 Ёшлар куйлайди.
18.30 «Авторейд».
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 Мусиқий лаҳзалар.
19.55 Бутунжаҳон гиёвандликка қарши кураш кунига. «Қалқон».
20.10, 21.00, 22.30 Эълонлар.
20.15 «Ясон ва аргонавтлар». Бадиий фильм 2-қисм.
21.05 «Марду майдон».
21.25 Мусиқий лаҳзалар.
21.30 «Ёшлар овози».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Снукер бўйича мусобақалар.
0.20-0.25 Хайрли тун!

ТТК

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.10 «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Эҳтиром ила».
19.10, 20.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.20 «t' 36.6». Мусиқий-дам олиш дастури.
20.15 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
21.30, 22.40 «Ўзбегим навоси».
22.00 «Огоҳ». Бутунжаҳон гиёҳвандликка қарши кураш кунига бағишланган бевосита мулоқот.
23.10 ТТВда сериал: «Селеста».
23.55 Оҳанглар ва эълонлар.
00.10-00.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

РЖТ 6.30-8.00

*

15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.20 «Морена Клара». Сериал.

*

17.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.

*

17.45 «Мультчархпалак».
18.00 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ўз-ўзига режиссёр».

*

18.40 «Кутиш зали». Сериал.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».

*

20.50 «Бизнес-ревю».
20.55 «Бебилиска пул». Сериал.
21.45 «Х-Спорт».
22.00 «Клип-антракт».
22.10 Кинематограф. «Табиб». Бадиий фильм.
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 11.30 «Телеҳамкор». Фойдали газета. Метеохабар.
9.30 «30-канал»да болалар соати.
10.30 Мусиқий дастур.
11.00 «30-канал»да премьера. «Дарма ва Грег». Ҳажвий сериал.

* * *

17.30 Дастурнинг очилиши.
17.35 «Икс-мен». Мультсериал.
18.00 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
18.30 «30-канал» кинооқшоми. «Сен менинг ёлғизимсан». Мелодрама. Бош ролларда А. Збруев ва С. Шакуров.
20.05 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
20.10 «Телеҳамкор». Фойдали газета. Метеохабар.
20.40 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Эгизак Аждарҳолар». Ўткир сюжетли комедия. Бош ролда Жеки Чан.
23.15 «30-канал»да ҳужжатли кино. «Таймслот». Ҳужжатли сериал.

1

5.00 «Хайрли тонг!» телеканали.
8.00, 11.00, 14.00 Янгиликлар.
8.15, 15.55 «Хаёлий қасрлар» сериали.
9.15 «Ким миллионер бўлишни истайди?» телеўйини.
10.15 Ҳамма уйдалигида.
10.50 «Библиомания».
11.15 «Хайрли кун» телеканали.
11.55 «Али бобо ва қирқ қароқчи саргузаштлари» фильмида Шарқ сирлари. 1-қисм.
13.15 Мени кутгил.
14.20 Тоғлар шоҳи.
14.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
15.20 «Покемон» мультсериали.
15.45 «Аралаш-қуралаш» журналида қувноқ воқеалар.
17.00 Кечки янгиликлар.
17.15 «Кусто командасининг барча саргузаштлари» сериали.
17.45 Шу ерда ва ҳозир.
17.55 Бу қандай бўлган эди. Бодибилдинг СССРда. 1965 йил.
18.40 «Кутиш зали» кўп қисмли фильми.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.50 «Жиноят қидирув маълумоти бўйича...» саргузашт фильми.
22.15 «Ҳокимият формуласи». Украина президенти Л. Кучма.
22.45 «Футболда» В. Гусев билан.
23.20 Москва кинофестивали кундалиги.
23.35 Тунги янгиликлар.
23.50 «Синган қалблар меҳмонхонаси» комедиясида орзуларнинг ушалиши.

РТР

5.00, 6.00, 7.00, 8.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Вести».
5.15 «Садоқатли муҳаббат» телесериали.
5.50, 6.50 «Кўрга ҳассадек».
6.15 «Оилавий янгиликлар».
6.25 «Теледўмбоқчалар». Болалар учун дастур.
7.30 «Эрталаб «Аргументы и факты» билан».
7.35 Мультфильм.
7.45 «Православ тақвими».
7.50 «Навбатчи қисм».
8.15, 19.50 М. Волонтир, К. Лучко, Н. Русланова ва М. Булгакова «Лўли» телесериалида.
10.30 «Санта-Барбара» телесериали.
11.25 «Селеста» телесериали.
12.30 Янги «Эски хонадон».
13.30 «Аёл кўнгли нимани истайди». К. Новикова ва Е. Яковлева билан ток-шоу.
14.00 «Бебилиска пуллар» сериали.
15.00 «Луиза Фернанда» телесериали.
16.30 «Оддий ҳақиқатлар» телесериали.
17.00 Б. Лэнгтон «Тармоқ» саргузашт сериалида.
18.00 Премьера. «Само полицияси» телесериали.
19.30, 22.30 «Вести» - Москва.
21.15 Е. Масюкнинг «Сукунат салтанати» муаллифлик дастури.
22.40 Тафсилотлар.
22.50 Эркак ва аёл. С. Кириенко.
23.45 Охирги сеанс. М. Рукер ва Л. Хоун «Соялар меъмори» триллерида.

ТВ6 Москва

7.00, 8.05, 14.20 «Кундан кунга».
7.45, 19.45, 1.35, 2.55 Йўл назорати.
8.00, 10.00 Янгиликлар А. Воробьёв билан.
10.20 «Час быка».
10.25, 22.40 Чироқни ўчиринг.
10.40, 20.45 «Тезкор чақирув» сериали.
11.50, 22.50 «Пси-фактор IV» сериали.
12.45, 19.10 Ҳажвий сериал. «Куёшдан учинчи сайёра».
13.10 Теледўкон. «Харидингиз учун раҳмат!»
13.30 WWW. TV6 RU.
13.45 «Тушлик».
16.00 «Бугун» В. Крискевич билан.
16.30 «Аёллар оламида» сериали.
17.40 Диск-канал Н. Табашников билан.
18.30 «Тармоқ». Интернет дастури.
20.00 «Бугун» М. Максимовская билан.
22.00 «Бугун» М. Осокин билан.
24.00 «Бугун» В. Кара-Мурза билан.
0.30 «Қизиқарли кино»: М. Левтова уйи.
1.50 Теннис. Уимблдон турнири.

НТВ

6.00, 7.00 «Бугун эрталаб».
6.15, 7.40, 20.45 «Криминал».
6.30, 13.30 «Узатма вал».
6.40, 16.45 «Нафи тегади».
7.20 Спорт.
7.30, 13.40 «Мўмай пуллар».
7.50, 18.40 Сериал соати. М. Клубович, О. Табаков, О. Басилашвили, А. Булдаков ва А. Пашутин «Марҳум нима деди» комик детективида.
9.00, 11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 20.00, 23.00 «Бугун».
9.25, 21.45 «Устаси фаранглар» сериали.
10.25 Криминал. «Чин дилдан тан олиш».
11.30 Сериал. М. Кононов, А. Збруев, Е. Леонов ва С. Крючкова «Катта танаффус» комедиясида. 2-қисм.
13.55 Сериал. «Ҳалокатли жанг» супер жангари фильми.
15.30 «Эски телевизор».
17.35 Сериал. Ч. Норрис «Чапани Уокер: техасча одил судлов».
20.30 Шу куннинг қаҳрамони.
21.05 «Криминал Россия». «Тутқич бермас бузғунчи». 2-қисм.
23.40 Сериал. У. Форсайт ва Т. Амандес «Дахлсизлар» ўткир сюжетли сериалида.

Прометей АСТ

7.00 Мультфильмлар.
7.30, 22.35 Россия тафти.
7.45, 16.35 «Сеҳргар. Улкан аждар мамлакати» сериали.
8.15, 17.05 «Диванда дўкон».
8.30, 9.30, 10.30, 11.30, 12.30, 14.30, 15.30, 16.30, 17.30, 18.30, 20.30, 21.30, 22.30, 23.30, 0.30, 2.30, 3.30, 4.30, 5.30, 6.30 «Кун воқеалари».
8.35, 13.05 Мультсериал. «Суперкитоб».
8.55 «Одамлар ва тоғлар» сериали.
9.35 «Орқадан эсган шамол» телесериали.
10.35, 6.35 «Мўъжизавий дарслар».
10.45, 22.50 «Нуринг ҳеч қачон сўнмасин». Газчилар учун концерт.
11.35, 23.35 «Таймслот» илмий-оммабоп сериали.
12.40 «Овқат шинавандалари учун йўлнома». Илмий-оммабоп сериал.
13.30, 19.30, 1.30 «Факт».
13.45, 5.00 АСТ-журнал.
14.15 Интершоп.
14.35, 2.00 «Садоқатли муҳаббат» телесериали.
15.35, 21.35 «Ҳужжатли экран».
17.20 Мультфильм.
17.35 «Фойдали битим» бадиий фильми. 2-қисм.
19.00, 3.00 «Полигон». Ўсмирлар учун ҳарбий-ватанпарварлик ўйини.
19.45, 1.45 Постфактум.
20.00 «Парад» ҳарбий-тарихий дастури.
20.35, 5.35 «Замин чеккасида» телесериали.
0.35, 4.35 «Одам ва денгиз» сериали.
1.00 «Сизни О. Иванов таклиф этади».
3.35 «Йиркич» телесериали.
6.50 Мусиқий мозаика.

ТВЦ

7.00 «Кайфият».
9.50 Газета ёмғири.
10.00 Алоҳида папка.
10.40, 20.50 Кўрсатувлар дастури.
10.45 Теледўкон.
11.05 «Софиянинг уч ҳаёти» телесериали.
12.00, 19.00, 20.55, 1.05 «Воқеалар».
12.15 «Дата» телеканали.
13.10, 0.50 Петровка, 38.
13.20 «Омадли танлов».
13.35 «Ҳақиқат лаҳзаси».
14.30 Ишбилармон Москва.
15.15 «Инспектор Кресс» детектив сериали.
16.20 Муваффақиятга қандай эришилади. Доктор Богданов.
16.30 «Дала почтаси» мусиқий дастур.
17.00 «Ҳудудлар: очиқ сўз».
17.30 «Номаълум уруш» ҳужжатли сериали.
18.15 Телестадион.
18.45 Зинапоялар.
19.15 «Антимония» интерактив ўйини.
20.00 «Эҳтирослар асирлигида» телесериали.
21.10 Ишбилармон Москва.
21.15 Шаҳарга юз буриб.
22.15 «Графиня де Монсоро» телесериали.
23.20 Об-ҳаво.
23.25 «Робокоп» телесериали.
0.20 Времечко.
1.25 Тунги парвоз.
2.00 «Очиқ лойиҳа». Ёшлар канали.
2.55 «Инсон қалбининг картаси» бадиий фильми.

REN TV

8.00, 18.00 «Шайтонча» мультсериали.
8.30, 18.30 «Дала сичқонининг саргузаштлари» мультсериали.
9.00 «Монитор». Интернет янгиликлари.
9.30, 15.45 Телеспецназ.
9.45, 21.00 Тасодифий гувоҳ.
10.30, 15.30, 19.30, 2.30 Янгиликлар.
10.45 «Одам овловчилар» жангари фильми.
12.35 Теледўкон.
13.05, 2.45 «Парм ибодатхонаси» драмаси. 1-қисм.
14.55 «1/52» спорт шарҳи.
16.00 «Пляж (Малибу қутқарувчилари)» телесериали.
17.00, 23.00 «Турецкий марш» телесериали.
19.00 «Дракоша ва компания» телесериали.
19.45 «Учинчиси ортиқча» ток-шоуси.
20.00 «Раузан» теленовелласи.
21.30 «Шарҳ» ахборот канали.
22.00 «МЭШ» комик сериали.
0.10 «Бир киши учун курсича» триллери.

ТНТ

3.00, 11.30 «Қора қароқчи» мультсериали.
3.30, 12.00 «Синчков аќллар» сериали.
4.00, 12.30 «Хоҳиш ҳукмронлиги» сериали.
5.00 «Сеньора» сериали.
5.30 Хит-парад.
5.50, 9.30 Теледўкон.
6.00, 14.30 Хотин-қизлар ҳаётидан.
6.30, 15.30 «Жаноб қотиллик» сериали.
7.25 Диванда дўкон.
7.35 «Саншайн-менорда қотиллик» детективи.
10.30 «Қалблар қироличаси» сериали.
13.30 «Охирги чегарада» ҳужжатли сериали.
14.00, 19.45 «Соловьёвчасига эҳтирослар» ток-шоуси.
15.00 «Ўйлаб чиқилмаган тарихлар» сериали.
16.30, 19.40 «Сегоднячко».
17.00 «Шаддодлар ва гўзаллар» сериали.
17.25, 21.00 «Улкан янгиликлар». П.Глобанинг мунажжимлик башорати.
17.30 «Ажойиб давр» мелодрамаси.
20.30 «Отажоним — майор» сериали.

Чоршанба 27

1 TV

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

*

8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Польшадаги учрашувлар».
9.20, 12.45 ТВ-метео.
9.25 «Созим-ҳамрозим». Мусиқий дастур.
9.50 «Тиббиёт одимлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Алифбо сабоқлари.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

10.20 «Қувноқ сеҳргарлик». Бадиий фильм.
11.25 «Шоирлар - болаларга».
11.45 «Камолот сари».
12.05 «Иш билганга - минг танга».
12.50 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий жамоаларининг концерти.
13.15 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал. 5-қисм.
13.40 «Болаликнинг мовий осмони».
14.10 ТВ-клип.
14.20 «Остонаси тиллодан».
14.40 «Яратганга шукур». Бадиий фильм.
16.20 ТВ-анонс.
16.30 Эстрада тароналари.
17.05 Экранда -телесериал. «Қалбим чечаги». 13-қисм.
18.10 «Умид қалдирғочлари». Тележурнал.
18.30 «Иқтисод ва биз».
18.40 «Орзулар қанотида».
18.55 ТВ-клип.
19.05 «Аёл - дунёни тебратар». Бадиий -публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Олтин мерос».
20.30 «Ахборот.
21.05 «Эл хизматида». Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган кўрсатув.
22.05 «Тўмарис» ўйинлари республика фестивали.
22.25 «Олам». Телеальманах.
23.00 «Ахборот».
23.35 «Тўйлар муборак». Бадиий фильм.
00.40-00.45 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR telekanali

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Ассалом, оромгоҳ».
9.35 «Мульттомоша».
9.50, 11.45, 15.25 Мусиқий лаҳзалар.
10.00 «Давр»-интервью.
10.15 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 26-қисм.
10.40 «Ўзбегим кураши».
11.00 «Даллас». Телесериал.
11.55 «Авторейд».
12.10 Ёзги таътил экрани. «Леопольд саргузаштлари».
12.50 «Камолот». Ҳаваскорлар телетанлови.
13.10 «Мафтунингман». Бадиий фильм.
14.35 «Ёшлар овози».
14.55 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
15.35 «Ясон ва аргонавтлар». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.20 «Нодир хазина». Телефильм.
11.05 «Шоҳрух» клуби.
11.35 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Бола бошидан».
11.55, 17.05 ТВ -клип.
12.05 «Доктор Жекил ва мистер Хайднинг саргузаштлари». Бадиий фильм.
13.30 «Мўъжизалар майдончаси». Телевизион ўйин.
14.30 Киноанонс.
14.35 «Бўстон».
14.55 «Янграсин шўх яллалар». Мусиқий дастур.
15.25 «Муҳофаза».
15.35 Мустақиллик тимсоли. Ўзбекистон театрларининг фестивали. «Жалолиддин Мангуберди». Огаҳий номидаги Хоразм вилоят театрининг спектакли.
17.10 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
17.40 Киноанонс.
17.45 «Яккама-якка жанг».
18.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.30 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.55 ТВ-клип.
19.05 «Тўртинчи ҳокимият».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10, 21.50 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга». Бадиий-мусиқий дам олиш дастури.

Спорт дастури.

21.45 Самбо бўйича Осиё чемпионати.
22.15 «Футбол олами».
22.35 ТВ-1 намойиш этади.

«Якшанба кинозали»:

22.50 «Элвис ва мен». Бадиий фильм. 2-қисм.
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR
Telekanali

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Мульттомоша».
9.15 Футбол плюс.
9.35, 12.50, 16.00 Мусиқий лаҳзалар.
9.45 «Ёшлар овози».
10.05 Ёзги таътил экрани. «Мураббий». Видеофильм.
11.05 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1.Марду майдон, 2. Аскар мактублари.
11.45 «Очил дастурхон».
12.00 Самарқанд наволари.
12.15 «Рамаяна». Телесериал.
13.00 «Қишлоқдаги тенгдошим».
13.20 Жаҳон жуғрофияси.
14.10 «Кечиккан балиқ ови». Бадиий фильм.
15.45 Спорт ҳафтаномаси.
16.10 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
17.00 «Мульттомоша».
17.15 «Янги авлод» студияси: «Қувноқ учрашув».
17.40 «Бахтиёр Холхўжаев куйлайди». Мусиқий телефильм.
18.00 «Денгиз жанги». Телелотерея.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»- news.
19.20 «Якшанбада кўришгунча».
19.35 «Учрашув». Телевизион бадиий фильм.
20.05 «Аёл қалби наволари».
20.20, 21.00, 22.50 Эълонлар.
20.25 «Рамаяна». Телесериал.
21.05 «Ҳандалак» саҳифаларидан.
21.25 XXI аср авлоди.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида».
22.40 Тунги тароналар.
22.55 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Дўстимнинг тўйи». Бадиий фильм.
00.35-00.40 Хайрли тун!

ТТК

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
18.10 Мультфильм.
18.30 Болалар учун. «Қуралай».
18.50 «Эҳтиром ила».
19.10 «Г 36, 6». Мусиқий дам олиш дастури.
19.55, 20.50, 21.30 «Экспресс» телегазетаси.
20.05 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.00, 21.40 «Ўзбегим навоси».
22.10 «Авто-news».
22.25 «ТТВ плюс юлдузлар».
22.45 Кинонигоҳ. «Тоабад сени севаман».
00.15 Оҳанглар ва эълонлар.
00.30-00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Клип-антракт».

•

9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».

•

10.10 «Кайфият» дам олиш дастури.
11.10 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.20 Кундузги сеанс: «Маҳзун қалблар меҳмонхонаси». Бадиий фильм.
12.50 «Парле ву франсэ?»
13.15 «Фан-тайм».
13.25 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
15.05 «Дўстлик» видеоканали: «Маврид», «Дидар».
15.45-16.15 Немис тили».

* * *

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «До-ми-соль». Болалар учун шоу дастур.

•

17.45 А. Миронов ва Е. Проклова «Менинг эрим бўлинг» комедиясида.

•

19.25 «Бизнес-ревю».
19.30 «Тенгдошлар».
19.55 Е. Петросяннинг «Кулги панорамаси».
21.35 Кинематограф. «Ёмғирли тундаги хаёллар». Бадиий фильм.
23.15 «Таҳлилнома».
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 12.00, 19.40 «Телеҳамкор». Фойдали газета.
9.30 Болалар канали.«Телебом» ўйини.
10.00 «30-канал»да премьера. «Алекс Макнинг сирли олами». Саргузашт сериал.
10.30 Болалар учун фильм. «Зумрад шаҳардаги саргузаштлар. Учинчи сайёра сирлари». Мультфильм.
12.30 Оилавий кино: «Муҳожир». Комедия. Ролларда А. Челентано ва К. Мари.
14.10 «Жанговар санъат олами». Спорт дастури.
14.40 «Спорт экспресси».
15.30 Ҳинд киноси. «Хавфли». Мелодрама.
17.00 «Висол». Мусиқий дастур.
17.35 «Аник тақдим этади».
18.00 «30-канал» кинооқшоми. «Биз қайси сайёраданмиз?». Комедия. Ролларда Л. Флорентино ва Ж. Гудман.
19.35 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
20.10 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.00 Детектив соати.
21.50 «30-канал»да якшанба кинооқшоми. «Бирни кўриб шукур қил». Комедия. Бош ролда Ж. Никольсон.

1

6.00, 9.00, 14.00 Янгиликлар.
6.10 «Тотли оғу» сериали.
7.05 Россияга хизмат қиламан.
7.35 «Дисней клуби»: «Сув париси».
8.00 Тонг юлдузи.
8.50 «Библиомания».
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».
10.10 Кундузги киносеанс. А. Шенгелая ва Л. Пригунов «Қирғоққа рухсат» фильмида.
11.50 Тонгги почта.
12.25 Саёҳатчилар клуби.
13.05 «Эҳ, Семёновна!» Бутунроссия лапарлар танлови.
13.45 Кремль хазиналари.
14.10 «Ўжар қизлар» сериали.
15.05 «Дисней клуби»: «Гуфи ва унинг командаси».
15.35 «Ақллилар ва оқилалар».
16.00 Жонли табиат. «Қушлар ҳақида ҳақиқат».
17.00 Кечки янгиликлар.
17.20 «Мандарин жаннатидаги хавф». Махсус репортаж.
17.45 А. Миронов ва Е. Проклова «Менинг эрим бўлинг» комедиясида.
19.25 Ш. Стоун «Глория» жангари фильмида.
21.30 «Времена».
22.50 XXIII Халқаро Москва кинофестивалининг ёпилиши.
23.45 «Дзю-до пири» афсонавий фильми.

РТР

6.20 «Қирол ови» эртак-фильми.
7.45 «Индамас олмахон» мультфильми.
7.50 Рус лотоси.
8.40, 18.55 «ТВ Бинго шоу» Бутунроссия лотереяси.
9.20 «Хайрли тонг, юртим!».
10.00 Аншлаг.
10.55 «Шаҳарча» дам олиш дастури.
11.30 Федерация.
12.10 Парламент соати.
13.00 «Вести».
13.20 Жониворлар ҳақида суҳбатлар.
14.05 «Жаҳон бўйлаб».
14.55 Х. Хоган «МакКинси ороли» комик жангари фильмида.
16.50 «Формула-1» классида автопойга бўйича жаҳон чемпионати.
19.00 «Кўзгу». Н. Сванидзе дастури.
20.05 Кечки сеанс. Д. Певцов, Т. Скороходова ва А. Болтнев «Мафия ўлмайди» жангари фильмида.
22.00 Л. Агутин, А. Варум ва А. Ди Миола концерти.
23.45 Охирги сеанс. Т. Брасснинг «Мотор» фильми.

ТВ6 Москва

8.00, 13.10, 19.30 Йўл назорати.
8.15 «ТВ-6 кинотеатри». «Сирли орол» фильми.
9.50 Ҳамма боққа!
10.15 «Сиз - шоҳидсиз» И. Усачев билан.
10.55 «Тармоқ» интернет дастури.
11.30 «Чироқлари синган кўчалар-3» сериали.
12.30 «Севимли жониворларимиз» ҳажвий дастури.
13.35 «ТВ-6 кинотеатри». «Тони Вендиснинг хатоси» детективи. 1 ва 2-қисмлар.
16.00 «Бугун» В. Крискевич билан.
16.30 «Бенни Хилл шоуси».
17.15 Теледўкон. «Саломатлик формуласи».
17.25 «Менинг киноим» В. Мережко билан.
18.20 «XX асрнинг энг шов-шувли жиноятлари»: «Дональд Меррет. Қароқчи қотил».
18.55 «Якунлар». В. Шендерович билан.
19.45 Ҳафта ҳалокатлари.
20.45 «Чироқлари синган кўчалар-3» сериали.
22.00 «Якунлар» Е. Киселёв билан.
23.35 «ТВ-6 кинотеатри». «Диана - қалблар қироличаси».
1.35 «Х-фактор».
2.15 «Метелица» оқшомлари.

НТВ

7.00 Саргузашт ва фантастика олами. «Суперменнинг янги саргузаштлари».
8.05 НТВ каналида мусиқа.
8.20 О. Пушкинанинг «Аёл нигоҳи» дастури.
9.00, 11.00, 17.00, 20.00 «Бугун».
9.20 Бизнинг кино. «Биз қандай ёш бўлган эдик-а» бадиий фильми.
11.25 «Касби - репортёр». И. Воеводин «Охирги арок».
11.40 Бизнинг кино. Е. Савинова, А. Папанов, А. Ширвиндт ва Ю. Белов «Эртага келинг...» комедиясида.
13.30 «Намедни-80».
14.35 «Табиатшунос саёҳати».
15.15 «Кекса ота-оналар».
15.55 Сериал. «Қотиллик хаёлоти» ўткир сюжетли детективи.
17.25 Кино олами. К. Костнер ва К. Иствуд «Идеал олам» фильмида.
20.40 «Қўғирчоқлар».
20.55 Сериал. «Курортдаги ишқий саргузаштлар». «Маэстро учун қопқон».
22.10 Тун ёғдуси. «Очлик». 1 ва 2-қисмлар.

ПРОМЕТЕЙ АСТ

7.00, 12.55, 18.55, 0.55 Ҳафта анонси.
7.05 Мультфильм.
7.35 «Сеҳрли микрофон».
8.05 «Бахтли омадсиз». Болалар учун фильм.
9.35 Ватаним менинг.
10.00, 4.00 «Доринюмасиз».
10.25 «Тугалсиз ўйин» сериали. 1-қисм.
11.15, 18.30 «Ҳаётни танлайман». Гиёвандлик: муаммо ва ечимлар.
11.30 «Катта театр намойиш этади...»
11.55 «Таймслот».
12.50, 18.50, 0.50, 6.55 Ғалати кашфиётлар.
13.05 «Ёш иқтидорлар».
13.30 «Жониворлар ҳаётидан».
13.45, 4.55 АСТ-журнал.
14.10 Интершоп.
14.30 «Тугалсиз ўйин». Сериал. 2-қисм.
15.25 «Муқаддас Белогорье. Байрамлар ва иш кунлари». Телефильм.
16.20 «Оқ йўл!»
16.35 Ҳужжатли фильм. «Хотира».
17.35 «Тугалсиз ўйин». 3-қисм.
19.00 «Овқат шинавандалари учун йўлнома».
19.30, 1.30 «Ҳафтада» мухбирларимиз репортажлари.
19.45 «Тарих зиддиятлари».
20.15 Кинопанорама.
21.05 «Тугалсиз ўйин». 4-қисм.
22.00 «Одамлар ва тоғлар» телесериали.
22.25 «Наобум» ток-шоуси.
23.00 Нафақат жаз.
23.30 «Камбағаллик ҳақида гувоҳнома» бадиий фильми.
1.45 «Октябрьский» концерт залида учрашув.
2.40 «Бечора гусар ҳақида бир оғиз сўз айтинг» бадиий фильми. 2-қисм.
4.25 «Эски танишлар».
5.25 «Суюқоёқ аёлнинг тавбаси» бадиий фильми.

ТВЦ

9.00 Кўрсатувлар дастури.
9.05 Дам олиш дастури.
10.00 Мультфильмлар.
10.45 «Нимадан? Нима учун?» болалар дастури.
11.25 «Дала почтаси» мусиқий дастури.
12.00 Москва ҳафтаси.
12.30 Ишбилармонлик васвасаси.
12.45 «Максим Перепелица» комедияси.
14.25 «Борис Ноткин таклиф этади».
15.00, 0.00 «Воқеалар».
15.15 «21 хона» дастурида ҳаммаси саломатлик ҳақида.
15.40 «Миллий манфаат».
16.25 «Думлар» мультфильми.
16.45 «Команда Марсга» телеўйини.
17.15 «Ҳафталик об-ҳаво».
17.20 «Эшикни очинг, полиция» телесериали.
19.00 «Иш кўрилмоқда» ток-шоуси.
19.50 «Соф инглизча қотиллик» телесериали.
21.00 «Ҳақиқат лаҳзаси».
21.55 Об-ҳаво.
22.00 «Америкалик аёл» бадиий фильми.
0.15 Спорт-экспресс.
0.50 «Антиқа таомлар» дастури.
1.20 Москва хити.

REN TV

8.30 Мусиқий канал.
9.00, 17.15 «Ғаройиб Халқ» мультсериали.
9.30, 17.45 «Хитклиф» мультсериали.
10.30 «Симпсонлар» мультсериали.
10.30, 21.45 «1/52». Спорт шарҳи.
11.00 «Монитор». Интернет янгиликлари.
11.20 «Менинг омадли юлдузларим-2» комик жангари фильми.
13.30 «Уни Никита деб атардилар» телесериали.
14.30, 18.30, 21.30 Янгиликлар.
14.45 Ҳарбий сир.
15.15 «Муюлишдаги малла сочли аёл» лирик комедияси.
18.15 Теледўкон.
18.45 «Оқ тўти» клуби.
19.15 «Азизим Клаудиа» комик мелодрамаси.
22.00 «Файзсиз Сауз боғ шаҳарчаси» мультсериали.
22.30 «Маҳфий ҳужжатлар» телесериали.
23.30 «Чапани ва ажал ташувчи» жангари фильми.
1.35 «Гойя Бордода» тарихий драмаси.
3.50 Тунги мусиқий канал.

ТНТ

4.00, 9.30 «Ҳаммаси итлар ҳақида» сериали.
4.30, 12.00 «Тийиқсиз Хилда» сериали.
5.30 Хотин-қизлар ҳаётидан.
6.00 «ТелеБом» қўғирчоқ шоуси.
6.30 «Сейлормун яна биз билан» мультсериали.
7.30 «Гўзаллик салони» сериали.
7.30 Л. Долина «...билан учрашув».
10.00 «Номаълум сайёра».
10.30 МХЛ: қироллар ва аъёнлар.
11.00 «Парадокс» фантастик фильми.
14.00 «Эвольвер — ўзгача ҳаққонийлик ўйинчоғи». Бадиий фильм.
16.30 «Ҳажвия антологияси».
17.30 Яширин камера билан.
18.05 Бир кун оқшомда.
19.15 Хит-парад.
19.50 Ярим тундагилар учун.

ШАНБАДАН ШАНБАГАЧА: МУНАЖЖИМ ТАВСИЯЛАРИ

Кайфиятингиз баланд бўлсин!

● **23 июнь —шанба (Ойнинг 2/3 куни).** Ташқарига чиқишга интилаётган куч-ғайратингизга эрк беринг. Танангиз фойдали меҳнат билан бироз бўшашишни талаб қилади. Узоқ ва анча оғир жисмоний меҳнатдан фақат ҳузур қиласиз. Шу билан онгингиз ҳам атрофингизни ўраб турган одамлар руҳига ҳамоҳанг бўлади.

Юрак нозиклашади. Шунинг учун ортиқча эҳтиёслар, ҳаяжонлардан ўзингизни тийинг. Юрак, бутун юрак-қон томир тизими, қон айланиш тизими, умуртқа, қовурға, дифригма ва талоқда жарроҳлик операцияси тавсия этилмайди.

Кўрадиган тушларингиз башоратли бўлиб, яқин орада ўнгидан келади.

● **24 июнь — якшанба (Ойнинг 3/4 куни).** Бу мазкур ойдаги дастлабки ноқулай кун ҳисобланади. Янги ойда тортиш кучларининг алмашиши киши танасига катта юк бўлиб тушади ва кенгайишдан торайишга қараб бўладиган бу алмашинув айнан ойнинг 4-кунига тўғри келади.

Кунни холироқ ва диққат-хаёлни бир жойга тўплаб, ўз-ўзингизга таъсир ўтказишга ҳаракат қилинг. Эзгулик ҳақида ўйлаб, яхши китоблар ўқиб, яхши дуойи-фотиҳалар қилинг. Томоқ оғриғи безовта қилиши мумкин. Ошқозон-ичак йўлларини даволовчи муолажалар яхши самарали бўлади. Тиш шифокорига мурожаат этишни бошқа кунга қолдирганингиз маъқул.

Тушларингиз пуч бўлиб, уларнинг таъбирига бош қотириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

● **25 июнь — душанба (Ойнинг 4/5 куни).** Мазкур кеча-кундузнинг рамзи ўз бурчи, принципларига садоқат, олижанобликдан иборат. Танада торайиш жараёнлари энг чўққига етади. Шунинг учун ҳам тановул қилинган овқатлар тўлалигича ҳазм бўлиб кетади. Таом танлашда иштаҳангизга қулоқ тутинг-у, лекин бўкиб овқатланманг.

Бугун ошқозон-ичак йўллари нозиклашади. Овқатланиш гигиенаси ва сифатига эътибор беринг. Қорин бўшлиғида жарроҳлик операцияси ман этилади — зеро, ундан қоладиган асоратдан азият чекишингиз мумкин. Тери хасталикларини даволаш, косметик муолажалар учун бу кун ғоят қулай келади.

Тушларингиз яқин келажакда ҳаётингизда юз беражак ўзгаришлардан дарак беради.

● **26 июнь — сешанба (Ойнинг 5/6 куни).** Бугунги кун нафас олиш билан боғлиқ машқлар яхши самара берадиган кун. Прана — универсал фазовий кучларни фаол ўзлаштириш жараёнлари юз беради. Шу сабабдан ҳам юқори нафас йўлларига кўпроқ эътибор бериш талаб қилинади. Кунни оила даврасида, болалар тарбияси билан шуғулланиб ўтказиш тавсия этилади.

Жигар, ўт пуфаги хасталикларга мойил бўлади. Уларни тозаловчи муолажалар самарали бўлади. Парҳезга риоя этиб, оғир, бадҳазм ва ёғли таомлардан ўзингизни тийганингиз маъқул.

Кўрадиган тушларингиз ўнгидан келмаса-да, келажагингиз ҳақида муҳим хабарлар бериши билан диққатга сазовор.

● **27 июнь — чоршанба (Ойнинг 6/7 куни).** Мазкур кеча-кундузнинг сеҳрли қудрати атроф кенглик макон билан товушлар орқали алоқада бўлишда, шунинг учун дуолар овоз чиқариб ўқилиши фойдали бўлади. Шу орқали сиз эзгу ниятларингизга етишга йўл очасиз. Сеҳрли «асо» билан сиз мўъжиза яратишга эришасиз. Бугун ортиқча гапдонликдан тийилинг.

Буйраклар нозиклашган бўлиб, уларга ортиқча юк бўладиган тарзда суюқликлар истеъмол қилманг. Қандли диабет ва ошқозон ости бези хасталиги билан оғрийдиган беморлар бугун эҳтиёткор ва ҳушёр бўлишлари керак. Пластик ва косметик операциялар яхши натижа беради. Буйраклар, сийдик пуфаги, талоқ, бутун умуртқа бўйлаб жарроҳлик операциялари тавсия этилмайди.

Кўрадиган тушларингиз саломатлигингиз қай аҳволда эканидан дарак беради. Агар улар ёқимли бўлса — хотиржам бўлаверинг.

● **28 июнь — пайшанба (Ойнинг 7/8 куни).** Мазкур кеча-кундуз ҳам маънавий, ҳам жисмоний поклик, тозаланиш куни. Рўза тутиб, юқори калорияли таомлардан ўзингизни тийинг. Акс ҳолда бутун қувватингиз еган таомингизни ҳазм қилишга сарфланади. Ошқозон-ичак йўлларини тозалаш ҳам фойдали бўлади. Бугунги кун тавба ва гуноҳлардан тозаланиш куни ҳам. Эски гиналардан қалбингизни покланг.

Бош оғриғи безовта қилиши мумкин. Куннинг иссиғидан ўзингизни асранг. Қаттиқ жисмоний меҳнатдан ўзингизни тийиб туринг. Вақтингизни бир оз дам олишга сарфлаш имконидан фойдаланинг.

Кўрадиган тушларингиз бир мунча хазин ва нохуш бўлиши мумкин. Лекин қўрқманг, улар бирон-бир муҳим хабар келтиролмайди.

● **29 июнь — жума (Ойнинг 8/9 куни).** Мазкур кеча-кундузда табиатимизда иблис характери кўпроқ намоён бўлиши мумкин. Шунинг учун ёлғон ва алдовлардан ўзингизни асрашга ҳаракат қилинг. Шунингдек, сабабсиз қўрқув ва хавотирларга ҳам берилманг. Ўз ўй-хаёлларингизни поклашга интилинг.

Кўкрак қафаси аъзоларига алоҳида эътибор беринг. Қовурғалараро невралгия безовта қилиши мумкин. Ҳаммомнинг буғхонаси, саунага тушиш нафас олиш маромини яхшилаб, кайфиятингизни хуш қилади.

Кўрадиган тушларингиз қанчалик ёқимли ва ёркин бўлмасин, улардан фойда йўқ. Чунки улар пуч бўлади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг
10 йиллигига бағишланган

Жонажон диёр

“Жонажон диёр”
ТАНЛОВИ

Танлов йўналишлари :

1. Энг яхши фоторассом
2. Энг яхши компьютерчи-дизайнчи
3. Энг яхши клипчи
4. Энг яхши видеоролик

Танлов икки босқичдан иборат : 1 - бошланғич тур, 2 - шаҳар тури.

Танлов қатнашчилари бу йўналишлар бўйича ўз ишларини қуйидаги ташкилотчилардан бирининг манзилига топширишлари керак :

1. Ўзбекистон Республикаси Бадиий Академияси	-	56-50-47
2. Дизайнчилар Халқаро уюшмаси	-	53-17-73
3. “ТАСВИР” ижодий уюшмаси	-	41-56-73
4. Ўрта Махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси	-	133-07-10
5. Тошкент Халқаро Бизнес Маркази	-	152-64-62

Энг яхши ишлар учун танлов ғолиблари қуйидаги мукофотлар билан тақдирланадилар :
Биринчи ўринлар - компьютер ва видеокамералар
Иккинчи ўринлар - компьютер модеми ва фотоаппаратлар
Учинчи ўринлар - компьютер видеокартаси ва фотоаппаратлар
Шунингдек ҳомийларнинг бошқа қимматбаҳо совғалари

Танловда қатнашишга ариза бериш муддати 2001йилнинг 1августига қадар

Танлов таъсисчиси:
Тошкент шаҳар ҳокимияти

Тўла ахборотни қуйидаги
манзил бўйича олишингиз мумкин
Госпитал даҳаси, 12-уй
тел. :152-64-62, 152-64-63
факс : 152-64-61
Тошкент Халқаро Бизнес Маркази

Ҳамшаҳарлар ва пойтахт меҳмонлари диққатига!

Тошкент шаҳар Юнусобод туманининг Амир Темур кўчасида жойлашган «Олой Универсал бозори» аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари билан таъминлайди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси ташаббуси билан «Олой» бозорининг «Қовун» растаси ўрнига замон талабларига жавоб берадиган «Буюм бозори» қурилди.

«Буюм бозори»да 252 та савдо хонаси бўлиб, замонавий хоналарда барча қулайликлар яратилган.

«Буюм бозор»да дунёнинг барча ерларидан келтирилган буюмлар бўлиб, улар бошқа буюм бозорларига нисбатан арзондир.

Азиз ҳамшаҳарлар ва пойтахт меҳмонлари!

Ўз вақтингизни тежанг, шаҳар марказида жойлашган янги «Буюм бозори»га келиб ўзингизга ва оила аъзоларингизга бизнинг «Буюм бозори»дан хилма-хил саноат молларини харид қилинг.

Бозор маъмурияти.

● Тез ва зарарсиз озиш — 100-97-05

● Организмни ўтлар ёрдамида тозалаш — 100-97-05

● Семириш ва соғликни тиклаш — 100-97-05

● Целлюлитга қарши крем — 100-97-05

● Ажинни, ҳуснбузар, доғларни йўқотиш — 100-97-05

● Бизнес сизни қизиқтирса қўнғироқ қилинг. Т: 64-43-62.

● Фарзандларингизда камқонликни сезсангиз қўнғироқ қилинг. Т: 64-43-62.

● Соғлигингиз устида қайғурсангиз, эркаклар, 170-57-52 га соат 19^{00} дан кейин қўнғироқ қилинг!

● Бизнес билан шуғулланишни хоҳлайсизми? 170-57-52 телефонига соат 19^{00} дан кейин қўнғироқ қилинг.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2000 йил 8 июнь 1481/01-И-сонли ажрими бўйича иш очилган. «АЗ ТИБ СЕРВИС» хусусий корхона кредиторларининг биринчи йиғилиши Юнусобод туман ДСИ биноси, 2-қават, 6-хонасида 2001 йил 27 июнда соат 15.00 да ўтказилади.

Корхонага нисбатан талаб ва таклифлар қуйидаги манзилда қабул қилинади.

Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси, 95-уй.
Юнусобод тумани ДСИ биноси, 2-қават, 6-хона. Тел: 137-55-48.

«Тошкент оқшоми» ижодий жамоаси «Оқшом» газеталарини узоқ йиллар мобайнида саҳифалаган кекса матбаачи

Фахриддин ота ЙЎЛДОШЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент автомобиль ва йўллар техникумининг жамоаси техникум умумтаълим фанлари кафедрасининг мудири, олий тоифали ўқитувчи Ўткир Азизович Магамедовга волидаи муҳтарамаси

ОЙША аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Китобнинг ёш дўстлари. *Равиль Альбеков олган сурат.*

Савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари кунига

ХИЗМАТГА ШАЙМИЗ

«Тошшаҳармаишийхизматуюшма»си ходимлари шаҳримиз аҳолисига сифатли ва намунали хизматни ташкил этишга ҳамиша эътибор қаратиб, ўз касб байрамларини муносиб меҳнат натижалари билан кутиб олмокдалар. Бу хақда уюшма раиси Саидумар АЪЛОЕВ қуйидагиларни гапириб берди:

— Кундалик ҳаётимизда маиший хизматнинг ўрни алоҳидадир. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда аҳолининг унга бўлган талаби тобора ортиб бормокда. Бу эса ходимларимиз зиммасига янада масъулият юклаб пойтахтимиз аҳолисининг маиший хизмат турларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, уюшмамиз тизимидаги корхоналар фаолиятини барқарорлаштириш, ишда сифат кўрсаткичларига эришиш, мижоз диди ва талабига яраша хизмат кўрсатишга ундамокда. Ўтган йили ютуқларимиз анча салмокли бўлди. Шаҳар бўйича аҳолига умумий хизмат кўрсатиш ҳажми 7758,4 миллион сўмни ташкил этди. Жорий йилда ҳам ютуқларимизни мустаҳкамлашга, энг муҳими аҳоли оғирини енгил қилишга, хизмат маданияти ва сифатини оширишга, жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатадиган қўшма корхоналар ишини ривожлантиришга аҳамият қаратганмиз.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда 2001 йил тадбирларини ишлаб чиқиб, унга кўра шаҳар аҳолисининг маиший хизматга бўлган талабини қондириш, турларини кўпайтириш, соҳа ишини ривожлантириш, ҳар хил турдаги корхоналарнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар иш фаолиятини мувофиқлаштириш, тартибга солиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида пойтахт аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш умумий ҳажми 4634,1 миллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш даражаси 180,4 фоизга ошди. Аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш 2148,4 сўмни ташкил этди.

Ўтган ойлар давомида 278 та янги маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари очилиб, 668 та ишчи ўрни яратишга эришилди. Булар пойабзал тикиш ва таъмирлаш, кийим тикиш ва тузатиш, радио ва телевизор таъмирлаш, ҳаммом хизмати, кимёвий тозалаш, мебелларни таъмирлаш ва ясаш, машиналарга хизмат қилиш ва таъмирлаш ҳамда бошқа кўплаб хизмат турларини ўз ичига олади. Яқинда Юнусобод туманидаги 15-мавзеда унутилган хизмат тури — чинни буюмларни таъмирлаш шохобчаси иш бошлади.

Шуни алоҳида айтиш керакки, янги ташкил этилаётган шохобчаларнинг аксарияти замонавий жиҳозланган бўлиб, мижозлар талабига тўла жавоб бериб, сифатли ва намунали хизмати билан аҳолини мамнун эта олади. Албатта, йил охиригача бу ишимизни давом эттириб, қўшимча ишчи ўринлари яратиш ниятимиз бор.

Байрам арафасида эл-юрт олқишини олаётган, кўп йиллик самарали меҳнатлари билан ҳурматга сазовор бўлаётган ходимларимизнинг номларини айтиб ўтиш жоиздир. Айниқса, «Зангори экран» техник савдо ҳиссадорлик жамияти устаси Файзулла Зарипов, «Устаси Паранг» жамоа корхонасидан Махмуджон Аҳмаджонов, «А.О.О.Дилором» хусусий фирмасидан Наталья Захарова, «Озода» масъулияти чекланган жамиятидан Хадича Холиқулова, «Маишийметалсоз» масъулияти чекланган жамиятидан Асатулла Азимов, «Азиз Бахт» хусусий корхонасидан Талгат Охунжонов, «Тошфото» жамоа корхонасидан Лутфулла Ҳосиловларнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлашим лозим.

Сирасини айтганда байрамни уюшқоқликда, ёруғ юз билан кутиб олаётган ходимларимиз бундан кейин ҳам халққа хизмат қилишни бош мақсад деб билиб, уларнинг оғирини енгил қилишга ҳамиша шай туришади. Намунали, сифатли хизматимиз билан уларнинг ишончини оқлашга интиламиз.

Шарифа ИЛЁСОВА ёзиб олди.

ТАДБИРЛАР

«Яшил чироқ» ғолиблари

Ўқувчи ёшлар ўртасида «Яшил чироқ» мусобақасини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган шаҳар мусобақаси ҳам болалар орасида транспортни бошқаришга бўлган қизиқиш ортиб бораётганини намойиш қилди.

Ушбу беллашувда йўл ҳаракати қоидаларини пухта эгаллаган мактаб ўқувчилари ғолибликни қўлга киритдилар. Шайхонтоҳур туманидаги 98-мактаб-интернат ўқувчилари гуруҳи биринчи ўрин соҳиби бўлди.

Собир Раҳимов ва Чилонзор туманларидан қатнашган «Яшил чироқ» билимдонларига эса иккинчи ва учинчи ўринлар берилди.

Азиз АКБАРОВ

ХАНДАЛАР

— Нимага бунчалик ғамгинсиз?

— Кўрмайсизми, шифокор ичишниям, чекишниям тақиқлаб қўйди.

— Шунгаям ташвишми. Яхшиси бошқа шифокорга бориб учрашинг.

* * *

— Менга қаранг, — деди шифокор беморга, — ҳар куни ичишга сизни нима мажбур қилади?

— Кечирасиз, мени ҳеч ким ва ҳеч нарса мажбур қилмайди. Мен ўз хоҳишим билан ичаман.

* * *

Кўз шифокори беморнинг кўзини текшириб бўлгач сўради:

— Шифохонамизни қандай топиб келдингиз?

* * *

Бир беморнинг тиши оғриб, суғуртириб ташламоқчи бўлди. У тиш шифокорининг олдига келиб, қанча ҳақ олинишини сўради.

— Тиш учун уч юз сўм, электр ва бошқа хизматлар учун уч юз сўм, чунки ҳозир қоронғи тушиб қолди, — деди шифокор.

— Яхши! Ҳечқиси йўқ мен эртага ёруғроқда келаман.

Диллора СОДИҚОВА

ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

НОДИР

ТЎРТИНЧИ ГУЛШАН

(Давоми).

Канизаклардан бири султоннинг аҳволини кўриб, лўли ҳузурига кириб воқеани баён қилди; хонми камбағалми, қандай одам эканлигини билолмадим. Аммо, висолингга даъво қилиб, кўп ғавғо қилаётир, деди. Уни бу ерга олиб кир, ўзинг эса маишат асбобини муҳайё қил! — деди лўли канизакка. Канизак бу муждани султонга еткурди. Султоннинг заъфарон юзи қизил гулдек яшнаб кетди. Султон мазкур юз минг тиллони лўли учун бериб, канизакни хизмати учун эса минг дирҳам (кумуш танга) бериб рози қилди. Лўли султонни қабул қилиб, дарҳол маишат асбобини муҳайё қилди. Лўли неча хил ноз-карашмалар билан султон кўнглини овлар, султон эса ниёзмандлик изҳор қиларди. У диловар неча хил йўллар билан султон қалбини ўзига ром қилиб, яна султоннинг қўлидан ушлаб юзини юзига сурар ва меҳр тўла кўзлари билан унга қарарди. Улар бири бирининг висолидан баҳраманд бўлиб, лаззат оромидан комбахш бўлдилар.

Сарандиб султони ҳар кеча мазкур бўлган олтинни муҳайё қилиб, лўлининг анжуманидан баҳраманд бўларди. Ўша мазкур бўлган тўрт ашёнинг бири — чопонда ададсиз сийму зар мавжуд эди. Султон кунда чопонни қоқиб, керакли олтинни олиб лўлига ҳадя қиларди. Султоннинг харажати кундан кунга ортиб борарди, ундан барча хизматкорлар баҳраманд эдилар. Султон эса лўлининг васлидан мағрурланиб, ватан муҳаббатини эсдан чиқарди. Султоннинг бу кирдикорига фалак ҳасад қилиб, уни тасодиф ҳодисалар гирдобига ташлашга жазм қилди.

Султоннинг неча муддатдан буён қилаётган сарф-харажатлари лўли кўнглида шубҳа уйғотди. У ўзича ўйларди. Бу меҳмоним ўзи бир мусофирдур, аммо эҳсон айламокдан йўқдур малоли. Дунё можаролари билан иши йўқ. Сарфу харажатини ҳисоби йўқ. Бирор кўзга кўринадиган касб-ҳунари йўқ, аммо ҳисобсиз зару зеварни муҳайё қилади. Кўриниши дарвешнамо бўлса-да, бироқ эҳсон қилишда подшоҳлардек. Бу одамнинг сеҳргарлик илмидан хабари бўлса ажаб эмас. Зеро, бундай сарфу харажатдан ҳар қандай хазина ва дафинаси бўлса ҳам бўшаб қолиши аниқ. Лўли ана шундай хаёллар билан бир неча кунни ўтказди.

Султон кунда ҳужрасига бориб, ўз ишига машғул бўларди. У аввал чопонни олиб қоқарди, сўнгра ерга энгашиб олтинларни терарди. Сўнгида косани олдига қўйиб, гуногун таомларни тановул қиларди. Кунлардан бир кун султон ўз ҳужрасига келганда, лўли унинг орқасидан билдирмай келиб, ҳужранинг бир чеккасида ўзини панага олиб беркиниб турди. Султоннинг ҳужрада чопонни қоқиб олтин териб олишию сирли косадан турли-туман таомларни пайдо бўлишини лўли ўз кўзи билан кўрди ва ўз-ўзига; бу ерда нодир ашёлар бор экан, бу меҳмоннинг сирру асрори шунда экан. Бу ашёларни албатта олишим керак — деб, дилига тугди.

Султон яна одатдагидек кечқурун лўлининг қасрига борди. Лўли минг хил макру ҳийлаларни ишга солиб султонга деди: эй меҳрибоним, неча муддатдан буён биргамиз, аммо кундан-кун сени ишқингда устихоним куяябди. Эндиликда ҳеч сабру тоқатим қолмади. Менинг барча мол-мулкимни ўзингга ўтказиб, мени ўз никоҳингга киритсанг. Аммо, никоҳдан аввал шаҳримиз султонининг ҳузурига бориб, у билан мулоқот қилсанг. У мусофирларни жон-дили билан иззат ва ҳурмат қилади. Мени ўз никоҳингга киритиш орзусида эканингни унга арз қилсанг. Шоядки шундан сўнг мени ўзингга ёр қилсанг.

Лўли бу ҳийлалар билан султонни лақиллатиб, қимматбаҳо либослар кийдириб, ораста қилиб, отга миндириб шаҳар шоҳининг саройига жўнатди. Иттифоқи, шаҳар шоҳи ўз аъёнлари билан овда эди. Мусофир султон шикоргоҳи (ов қиладиган майдон) қараб йўл олди. Шикоргоҳга бориб шоҳни кўргач, отдан тушиб, унинг ҳузурига пиёда таъзим билан бориб кўришди. Тавозеъю яхши сўзлар билан шоҳнинг кўнглини ўзига ром қилди. Салтанат расм-русумларию жанг ва тўқнашувлардан ҳикоя қилиб, бир неча хил сўзлар билан суханварлик қилиб ҳаммани ўзига қаратди. Ов қилиш ҳам хотирларидан фаромуш бўлди. Суҳбатлари қизигандан қизиб борарди. Ногоҳ, узоқда бир қора нуқта кўриниб, бора-бора тутунга айланди. Тутун шаҳар ўртасидан минорадек қад кўтариб, фаввoрадек атрофни қамраб олаётганди. Тутун тезда осмону фалакка кўтарилиб, гўё тўққиз фалак ўнта бўлди. Шу дамда шаҳардан чопар келиб, лўлининг қасрига ўт тушгани ҳақида хабар қилди. Мусофир султоннинг дилига ўт туташди. Бу шаҳарнинг шоҳи ҳам лўлининг ошифтайи шайдоси эди. Аммо, ишқ -муҳаббат дардини ҳаммадан пинҳон тутарди. Икки ошиқ султонлар лўли уйига йўл олдилар. Иккиси ҳам бирбирининг сиридан воқиф эмасдилар. Улар лўли масканига етиб бориб, макр оловини ўчириб, лўлига дилдорлиқлар қилдилар. Шаҳар султони ўз саройига бориб, лўлига анча ҳадялар юборди. Мусофир султон лўли ҳузурида қолиб, ундан тўрт ашёнинг нима бўлгани ҳақида сўради. Лўли кўзларидан макр-ҳийла ёшларини оқизиб, баланд овоз билан деди: май ичиб мастона эмасмисан ёки ақлдан озмадингму? Ахир бутун молу мулким ёниб битди-ку, сен эсанг сариқ чақага арзимас ашёларингни сўрайсан. Ул ашёларингни неча пуллик қиймати борки, мен уларни сақлаб қолсам, деди. Султон бу сўзларни эшитгач тилини комига тортиб хомуш бўлиб қолди.

Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.
(Давоми бор).

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Хасис одам ҳатто ўзи учун зарур бўлган неъматга ҳам зиқналик қилади.

● Хасислик ва ғаразгўйлик кишилардан энг муқаддас туйғулар — Ватанга муҳаббат, оилага муҳаббат, яхшилик ва покликка муҳаббатни ҳам тортиб олади.

● Хасислик қалбни қуритади.

● Хасислик қанча кучли бўлса, раҳм-шафқат шунча кучсиз.

● Одамларнинг олийжаноби ўзига нисбатан одамларда муҳаббат уйғотишга уринувчи, одамларнинг бахили эса ўзига нисбатан дўстларда нафрат туғдирувчи кишидир.

● Бахиллик бир тикон, агар у кимга ботса ўлдирмай қўймайди.

● Донолар айтади:

— Эй фарзанд, Ҳасад ва бахиллик кўчасидан қоч. Ўзгаларга доимо мадад қўлини чўз. Зеро, ҳасад ва рашкдан ҳеч ким фойда кўрмаган. Аксинча эл орасида хору- зор бўлиб эътибордан четда қолган. Эй фарзанд, молу мулкингни бекорга сақлама. Уни эл фойда кўрадиган нарсаларга сарфла. Фақат аҳмоқ одамларгина юз меҳнату алам билан бойлик тўплайдилар. Ундан на ўзи фойда топади, на ўзгалар манфаат кўради. Бундай жоҳил кимсалар кўрганларидан ибрат олишмайди. Нафси аммора куйига кириб, ранж ва кулфат кўрадилар.

Ривоят: хасислиги билан ўз замонасида донг таратган бир бадавлат одам бор экан. Бу давлатманд одам энг хасис, энг зиқна одам сифатида машҳур бўлибди. Бу хасис бир кун жомеъга жамоат билан намоз ўқишга борди. Жомеъда намознинг суннатини ўқиб бўлиб, бирдан: «Уйдаги чироқни ўчирганмидим, ўчирмаганмидим», деб ўйланиб қолди. Шу заҳоти шошилиб туриб уйига борди. Эшикни тақиллатди. Хизматчи «Ким у?» деб овоз берганида, хасис:

— Тўхта, эшикни очма! Хонамдаги чироқ ёниқ бўлса ўчириб қўй, ёғи тугаб қолмасин тағин, — деди. Хизматчи:

—Хўп афандим. Чироқни ўчиришни тушундим, аммо нега эшикни очмайин, — деди.

Хасис одам:

— Эшикнинг ошиқ-мошиғи едирилмаслиги учун, — деб жавоб берди. Хизматчи:

— Қойил, афандим, аммо сиз мачитдан бу ерга келгунча пойабзал эскиришини ўйламадингизми? — деди. Хасис:

— Сен нима, тентакмисан? Мени яхши биласан. Масжиддан келгунча пойабзалимни эскиришга қўяманми? Пойабзалимни қўлтиғимга қисиб олиб ялангоёқ келдим, — деди.

Байт:

Сахий дема саховатига
Бирор талаб қўйса бир одам.
Сахийликмас бу очкўз бахиллик,
Бунда йўқдур шараф ва карам.

● Одамнинг бахт-саодати орзу ва таъмаларига қараб бўлади. Энг таъмагир одам — бахт ва саодати энг оз бўлган одамдир.

● Ҳаётда гўзаллик, қувват ва саодатнинг манбаи — соддаликдир.

● Тўғрилик, хушхулқлик, ҳалол меҳнат саодатмандликнинг нишонасидир.

● Сукут — саломатликни, яхшилик — иззат ва обрўни, сахийлик — улуғликни келтиради.

Байт:

Молу мулкинг, мартабангдир беқарор,
Яхшилик қилгингки қолсин ёдгор.

ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

Малина

Малина Ўзбекистонда асосан томорқаларда ўстирилади, ёввойи ҳолда эса ўрмонларда ўсади.

Меваси июнь-июль ойининг бошларида пишади. Малинанинг бир йилда икки марта (баҳорда ва кузда) ҳосил берадиган турлари ҳам бор. Унинг кўпчилик навлари мевасининг ранги қизил, баъзан сариқ ва тўқ қизил-қора рангдагилар ҳам учрайди. Оддий шароитда малина бир суткагача, ҳарорат ноль даража атрофида бўлганда 7 кунгача сақланиши мумкин.

Малина таркибида 5,7-11,5 фоиз қанд моддаси, 1-2 фоиз органик кислоталар, 9-44 мг фоиз С дармондориси, В дармондориси, каротин, пектин ҳамда хушбўй моддалар бор. Меваси янгилигида ейилади ҳамда қайта ишланади. Қоқиси, мурабboси ва жеми кўпинча терлатувчи дори сифатида ишлатилади.

Олча

Олча таркибида 8-17 фоиз қанд моддаси, 0,9-2,8 фоиз органик кислоталар, 0,8 фоиз чамасида минерал тузлар, 10-20 мг фоиз С дармондориси бор.

Олча деярли ҳамма ерда ўстирилади. Нави ҳамда жойига қараб меваси июнь-июлда териб олинади. Узоқ сақланмайди. Оддий шароитда уч кун, ҳарорат ноль даража бўлганда эса икки ҳафта сақлаш мумкин.

Олча меваси ҳамда шарбатининг рангига қараб икки гуруҳга бўлинади. Бири нордон шарбати тўқ рангда бўлса, иккинчи гуруҳи оч қизил, шарбати рангсиз, ширин. Олчалар ранги, мазаси, ўзига хос хушбўйлиги, улар қайта ишланганда, яъни олчадан мураббо, кисель, компот, шарбатлар тайёрланганда ҳам яхши сақланади.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
тайёрлади.

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

Бошқотирма

Энига: 5. Сўм туркуми. 6. Савдо йўлларидаги мустаҳкамланган манзил. 10. Таркибида кремний кислотаси тузлари бўлган маъдан, саноат ашёси. 15. Сўз устаси. 16. Газламага илма игна билан гул тикувчи машина. 23. Кемирувчи, зараркунанда жонивор. 25. Дарахтзор маскан. 26. Автомобиль «юраги».

Бўйига: 7. Халқ хўжалигида айланиб турган пул маблағлари. 8. Сотувчига нисбатан харидор. 9. Ичилади, аммо ичимлик эмас. 11. Савдо-сотиқ фаолияти мажмуи. 12. Инсоннинг етуклик даври. 17. Тиниш белги. 18. Бепоён сув ҳавзаси. 19. Дунё томи номини олган тоғ.

Ёйлар бўйича: 1. Ўриши ипак, арқоғи зардан тўқилган мато. 2. Истеъмол қилинадиган сув жониворини етиштириш соҳаси. 3. Сирти сертўр, ширин оқ қовун тури. 4. Дунё томонини кўрсатувчи асбоб. 13. «Уэмбли» футбол стадиони жойлашган пойтахт. 14. Материянинг хусусияти, тузилиши ва ҳаракат қонунларини ўрганувчи фан. 20 Муассасалардан пул маблағларини йиғишга вакил қилинган мансабдор шахс. 21. Фашизмга қарши уруш йилларида ота-онасиз қолган болаларни тарбиясига олган тошкентлик темирчи. 22. Уриб чалинадиган мусиқа асбоби. 24. Сут маҳсулоти.

Муаммонома

Очқич сўзлар: 1. Кун ботиш пайти — 9, 6, 7, 9, 10.

2. Олий ўқув юртида раҳбарлик лавозимларидан бири — 4, 12, 5, 1, 8.

3. Вақт ўлчови бирлиги — 11, 2, 3.

Очқич сўзлари асосида шакл атрофидаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Бунда уларни қаторлар бўйига ўқиш билан XI аср донишманд ижодкори Юсуф Хос Ҳожиб меросига мансуб ҳикматлардан бирини билиб олишга эришасиз.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ



Газетанинг 15 июнь сонида чиққан бошқотирманинг жавоблари:

Ёйлар бўйича: 1. Соат. 2. Олма. 3. Манти. 4. Ёрматов. 5. «Ёрилтош». 6. Колба. 7. Норак. 8. Рудакий. 9. Гулбеор. 10. Банан. 11. Зафар. 12. Нафосат. 13. Ражабий. 14. Масал. 15. Катод. 16. Сардоба. 17. Сарафан. 18. «Роҳат». 19. Бордо. 20. Фузулий. 21. Душанба. 22. Муфти. 23. Кумуш. 24. Манзума. 25. Маятник. 26. Ралли. 27. Сабзи. 28. Минтақа. 29. Димлама. 30. Алоқа. 31. Ақиқ. 32. Этил.

Муаммонома

Очқич сўзлар: 1. Микрофон. 2. Қушбеги. 3. Аҳд. 4. Тол.

Ҳикмат: Таниқлигу шарафинг отангдандир,
Меҳрибонлик, мушфиқлик онангдандир.

«02»: ҲОДИСАЛАР

● Ҳамза туманида ҳуқуқ посбонлари гиёвандлик билан боғлиқ яна бир жиноятни фош этдилар. Фарғона вилоятидан келган фуқаро Олим Д. тўхтатиб текширилганда, унинг ёнидан бир килограммдан ортиқ инсонга кучли таъсир этувчи героин гиёвандлик моддаси топилди. Илгари судланиб, бундан тегишли хулоса чиқармаган бу шахс энди қонун олдида яна бир бор жавоб беради.

● Шунингдек, Юнусобод туманида ИИБ ходимлари ҳеч қаерда ишламайдиган, олдин қора курсига ўтирган Фарҳод М.нинг шахсини аниқлаш мақсадида тўхтатиб текширганларида унинг чўнтагидан марихуана гиёвандлик моддаси олинди.

● Инсонларнинг оғирини енгил, кечаси йўлларини равшан қилиб туриш учун чироқлар қўйилиб, симёғочларга алюмин симлар тортилган. Лекин айрим шахслар ўз манфаатларини устун билиб, симёғочларга тортилган электр симларни ўмариб кетишмоқда. Яккасарой туманида яшовчи, иш жойининг тайини йўқ Ж. Никита ўз ҳаётини хавф остига қўйиб симёғочдан симларни қирқиб ўғирлаётган вақтида тартиб посбонлари томонидан далилий ашё билан ушланди.

● Туппа-тузук оиланинг фарзанди бўлган Егор А. шайтоннинг йўлига кирган ҳолда очиқ қолган эшикдан эркин кириш йўли билан, Таня Я. нинг уйидан «Фунай» телевизори, «Голдстар» видеомагнитафони ва «Интернационал» чанг ютгичини ўғирлаб кетган. Шайхонтоҳур туман ИИБ ходимлари жиноят излари йўқолмасдан олиб борган тезкор тадбирлар натижасида ўғрилик моллари ўз эгасига қайтарилиб, тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

● Самарқанд вилоятида истиқомат қилувчи Пардабой А. Яккасарой туманида бир фирибгар тузоғига илинди. У АҚШга ишга борар эканман деб хом ўйлади ва 4300 долларини ёлғончига берганини ўзи ҳам билмай қолди. Содир этилган жиноят юзасидан суриштирув ва тергов ишлари олиб борилмоқда.

● Мана шундай фирибгарликларни кўпинча бели оғримай пул топишни кўзлаган, ҳеч қаерда ишламайдиган фуқаролар амалга ошираётир. Олмоқнинг бермоғи бор, деб бежиз айтилмаган. Буни унутган Зулфия Қ. алдов йўли билан Нодир Х. нинг ишончига кириб «10.000.000 пулингизни АҚШ долларига алмаштириб бераман», деб олди ва қайтаришни ўйлаб ҳам кўрмади. Натижада боши деворга урилди. Ушбу юзага келган фирибгарлик бўйича Миробод туман ИИБ ходимлари тергов ҳаракатларини давом эттирмоқда.

● Яккасарой туманида номаълум аёл Фарида С. га фол очиб қўяман деб алдаб, сариқ металлдан ясалган зираги, 20 дона коса, 3 хил мато ва 2 дона лаганни олиб, воқеа жойидан ғойиб бўлган. Кўрилган тезкор тадбир натижасида зўр фирибгарлик йўлини топган Нилуфар И. далилий ашёлар билан ушланди.

● Сирғали тумани, Дўстлик даҳасида қаровсиз қолдирилган Толиб О. га тегишли «ВАЗ — 21013» русумли автоулов Акбар К. ва Карим Л. лар томонидан ўғирланиб, ҳайдаб кетилмоқчи бўлганда, милиция ходимлари уларни тўхтатиб қолди. Мана энди ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган бу ўсмирлар қилган ишига пушаймон бўлиб, терговчи олдида ер чизиб ўтирибди.

Замон ЭШОНҚУЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
Матбуот марказининг
жамоатчи мухбири.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида
босилади. Қоғоз бичими А-3

Душанба, чоршанба
ва жума
кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Газета Ўзбекистон Давлат
матбуот қўмитасида
10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта
бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига
мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-2507.

Босмага топшириш вақти 11.30

Топширилди

1 2 3 4 5 6